БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 232 (17.812). • 9 октябрь 1980 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

ПАХТАЗОР—ЖАСОРАТГА ЧОРЛАЙДИ

Республикамиз пахтакорлари Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг Мурожаатига амалий иш билан жавоб бериб, мусобақа байроғини баланд кўтармоқдалар

Ўзбекистон пахтакорлари тўрт миллион тонналик улкан маррани эгаллаб, эўр уюшқоқлик, кўпмиллатли Ватанимиз барча қардош республикалари олдидаги, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари олдидаги юксак ватанпарварлик ва интернационал бурчларини чуқур ҳис этган ҳолда бешинчи миллион тонналик ҳосилни уйншга енг шимариб киришдилар. Мўл ҳосил учун умумхалқ курашида Тошкент области, Ромитан, Бўка, Ғиждувон, Ғалаба, Пешқу, Пискент, Бекобод, Оққўрғон районлари, ўнлаб хўжаликлар ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Улар шу кунларда оширилган социалистик мажбурият ҳисобига ҳосил топшириқдалар. Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё областларкинг пахтакорлари марра сари дадкл интилмоқдалар. Жиззах, Сирдарё, Самарқанд механизаторлари терим суръатини кун сайин ошириб, машина деҳқоннинг қаноти, мададкори эканлигини амалда исботламоқдалар.

Республикамизнинг беш миллион саккиз юз эллик минг тонналик «оқ олтин»ни учун курашда энг масъулиятли, ҳал қилувчи босқич бошланди. Олтин кузнинг қуёш чарақлаб нур сочувчи кунлари қисқаради, соатлар, дақиқалар қадри тобора ошмоқда. Мана шундай долзарб бир пайтда Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети республиканинг барча колхозчилари, совхозларнинг ишчилари, механизаторлар, қишлоқ хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларига, республиканинг барча меҳнаткашларига Мурожаат билан даъват қилдилар. Ҳар бир сатр ва сўзи ҳосил йиғим-теримида гоят актив иштирок этишга кучли даъват нафаси билан йўғрилган бу Мурожаат кўлидан иш келадиган, юрагида ўти, билагида кучи бўлган ҳар бир кишини пахтазорга — йил бўйи пешона тери тўкиб етиштирилган мўл «оқ олтин»ни ҳосилини теріб олишга сафарбар этмоқда. Биз ҳаммамиз пахтакормиз, демоқда республиканинг бутун меҳнат аҳли, Ватан биздан пахта теримида жасорат кўрсатишни кутмоқда. Ҳар биримизнинг бурчимиз, виждонимиз, ор-номусимиз беш йилликнинг якунловчи йили мўл ҳосили учун бошланган буюк меҳнат жангидан четда қолишга йўл қўймайди.

Пахта йиғим-теримида ҳал қилувчи палла бошланди. Об-ҳаво ҳар дақиқада айниб қолиши мумкинки, бунинг натижасида йиғим-терим ишлари гоят мураккаблашиб, қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқаради, нақадар машаққат билан етиштирилган ҳосилнинг нобуд бўлишига, сифатининг пасайишига олиб келади. Буни кейинги кунлардаги об-ҳаво ҳам кўрсатиб турибди. Республикамиз узра бир оз шиналаб ўтган ёмғир ва ҳаворнинг айниши ҳаммамиз учун қанчалар ташвиш келтирмади. Ҳали ёғин-сочинли кунлар бошланиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Кўз илгамас пахтазорлар ўз нажоткорларини—теримчи ва механизаторларни, шаҳарлик ҳашарчиларни, студентлар ва ўқувчиларни орзиқиб, зориқиб кутмоқда, тезроқ эл-юрт хирмонига уйиб, пахтакор диёрининг меҳнаткашлари юзи ёруғ бўлса деб орзу қиляпти. Ихтисоси, касб-кори, қайси вазифада ишлаётганидан қатъи назар, республикамизнинг ҳар бир меҳнат аҳли ўзини пахта фронтига, республикамизнинг миллий иқтисори, умумхалқ бойлиги бўлган 5 миллион 850 минг тонналик «оқ олтин»ни хирмоин бунёд этишга сафарбар этишини тақозо қилувчи вазифа вужудга келди. Шундай экан, «оқ олтин»ни диёрида яшовчи ҳар бир кишн ўзини пахта етиштиришнинг актив иштирокчиси деб билиши лозим.

Пахта жанги бу йил ҳар қачонгидан ҳам масъулиятлидир, гоят қисқа фурсатда буюк мақсадга эришиш вазифасини кўндаланг қилиб қўймоқда. Далаларда меҳнат ғайратини ҳар томонлама кучайтириб, СССР Олий Советининг навбатдаги сессияси очиладиган кунгача бутун ҳосилни йиғиб-теріб олиб, мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлган Узбекистон социалистик мажбуриятни шараф билан бажарди деган мазмунда ғалаба рапорти беришимиз лозим.

Мана шу олижаноб мақсадга эришиш учун, дейилади Мурожаатда, республиканинг ҳар бир аҳолиси ўзининг интернационал бурчини, ҳосил тақдири учун курашга шахсан даҳлдор эканлигини чуқур англаб, умумий сафдаги ўз ўрнини аниқ белгилаб олиши, фидокорона иш билан ғалабани тезроқ яқинлаштириши зарур.

Мурожаатда мўл ҳосил етиштириш учун мисли сиз меҳнат сарф-лаган азиз пахтакорлар, ҳар йили меҳнат жасорати намуналарини кўрсатиб, қаҳли равишда дала гвардиячилари деб ардоқланаётган шавкатли дала гвардиячилари, барча қишлоқ хўжалик ходимларига қарата қайноқ қалб сатрлари билан даъват этилади.

План ва мажбуриятларни бирин-кетин бажараётган илғорлар тажрибаси ҳамманинг мулкига айланиши лозим. Партия, совет ва бошқа жамоат ташкилотлари, хўжаликларнинг раҳбарлари йиғим-терим ишини шундай ташкил этишлари керакки, тоқи кунлик график ва топшириқлар тўла ва ошириб бажарилиши таъминлансин.

Агар ҳар биримиз унумдорликни акалли 5—10 килограммдан оширсак, бу республиканинг пахта хирмоинга 10—15 минг тонна, яъни бутун бир область бир кун мобайнида терганига тенг миқдорда «оқ олтин» беради. Йиғим-теримнинг ҳар бир иштирокчиси Мурожаатдаги ана шу оддий, лекин аниқ-пухта ҳисоб-китобларга асосланган кўрсатмага амал қилсин.

Узбекистоннинг бутун аҳолиси ифтихор билан ўзини пахтакор деб атайди. Бундан шундай маъно келиб чиқадики, пахта тақдири учун ҳам жавобгарликни баб-баравар зиммамизга оламиз. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг студентлари, шаҳарликлар машаққатли йиғим-терим палласида Ўроқ ва Болга иттифоқининг мўъжизакор кучини амалда исботлашга интилиб, пахтакор коржомасини кийиб жасорат майдонига йўл олишди.

Бугунги кунда ҳар биримиз партия олдида, халқ олдида, ўзимизнинг партиявий виждонимиз олдида жиддий имтиҳондан ўтмоқдамиз. Йиғим-теримнинг шу долзарб палласида иш суръатини ошириш, ғаммат дамларнинг ҳар соати ва дақиқасидан имкони борича гоят унумли фойдаланишдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ. Лекин Наманган областининг Учқўрғон, Зарарё, Андижон областининг Жалолқудуқ, Қўрғонтепа районларида сусткашликка йўл қўйилмоқда. Ушбу районлар ва хўжаликларнинг раҳбарлари куз фаслида бой берилган кун ва соатларни асло қайтариб бўлмаслигини, ҳатто оз бўлса-да йўл қўйилган сусткашлик, эҳтиётсизлик ҳосилга жиддий зарар етказиши мумкинлигини ўйлаб кўришлари зарур.

Узбекистонда буюк меҳнат жанги авжига минди. Ҳар галгидек бу жангда ҳам зафар бизга ёр бўлиши шубҳасиздир. Аммо ғалаба нашъасини сурадиган дамларни яқинлаштириш учун бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлаш, ҳосил йиғим-теримининг ҳамма жараёнларида шахсий ибрат ва уюшқоқлик, фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатиш шон-шараф ишимиздир. Ҳозир ҳаммани ҳосилни тезроқ йиғиб-теріб олиш учун зарбдорларча, намунали ишлашга сафарбар этиш — муқаддас бурчимиздир.

Партия ташкилотлари КПСС XXVI съезди ва Узбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига меҳнат аҳлининг авж олиб кетган умумхалқ ҳаракатига бошчилик қилиб, уларнинг сиёсий ва меҳнат ғайратини ҳалол меҳнатимиз билан етиштирилган «оқ олтин»ҳосилини яқин бир-икки ҳафта ичида уюшқоқлик билан теріб олишга сафарбар этишлари зарур.

ҲАММА — ПАХТА ТЕРИМИГА, ЖАСОРАТ МАЙДОНИГА!

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ҲАММАНИНГ ЎРНИ ДАЛАДА

«Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети... республиканинг барча меҳнаткашларини улуғ мамлакатимиз кўп пахтага эга бўлиши учун, қабул қилинган социалистик мажбуриятлар бажарилиши учун ҳамма ишларни қилишга даъват этадилар. Бу эса КПСС XXVI съездига бизнинг энг яхши меҳнат совғамиз бўлади».

Республика партия ва ҳукуматининг ана шу даъваткор сўзлари пахтакорлар ҳамда барча меҳнаткашлар томонидан қизғин кутиб олинди.

7 октябрь куни республикамизда 150486 тонна пахта тайёрланди. Шундан 114.733 тоннаси «зангори кема»ларда терилди. 9457 тонна ингичка толали пахта тайёрланди.

ТАНИШИНГ: БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРГАНЛАР

✦ БУХОРО ОБЛАСТИ ПАХТАКОРЛАРИ. Она-Ватан бухоролик пахтакорлардан 2 миллион 670 минг тонна «оқ олтин» қабул қилиб олди. Беш йиллик мобайнида ҳосилдорлик 26,6 центнердан гектарга 32 центнергача етди. Бу йил бу рақам 35 центнерга етказилади. Республика партия ва ҳукуматининг даъватига жавобан область пахтакорлари ўнинчи беш йилликда пландан ташқари 260 минг тонна қийматбаҳо хом ашё етказиб беришга сўз бердилар.

✦ ҚҚАССР БЕРУНИЙ РАЙОНИ. 210100 тонна пахта топширилди. Яна қўшимча 25 минг тонна «оқ олтин»ни етказиб берилади.

✦ АНДИЖОН ОБЛАСТИ БЎЗ РАЙОНИ. Давлат 156540 тонна биринчи навли хом ашё олди. Район меҳнаткашлари беш йиллик пландан ташқари 12 минг тоннадан зиёд пахта етказиб бериш учун курашмоқдалар.

✦ ФАРҒОНА ОБЛАСТИ КИРОВ РАЙОНИ. Давлатга 318900 тонна пахта етказиб берилди.

✦ НАМАНГАН ОБЛАСТИНИНГ КОСОНСОЙ РАЙОНИДАГИ «Коммуна» колхози, Ходойбердиев номли, «Ленин йўли», «Қўқиммбой» совхозлари беш йиллик маррасини эгалладилар.

✦ ШАҲРИСАБЗ РАЙОНИДАГИ Киров номли колхоз меҳнаткашлари ҳам беш йиллик маррасини барвақт эгаллаб, тайёрлов пунктларига 24250 тонна «оқ олтин»ни етказиб бердилар.

ИЙЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРГАНЛАР

✦ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Бекобод райони. Бу район давлатга 64100 тонна пахта сотди. Оққўрғон райони пахтакорлари эса 60800 тонна «оқ олтин»ни тайёрлаб, Ватан хирмонига етказиб беришди.

✦ ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ. Қамаши районидаги «Коммунизм йўли», «Партия XXII съезди», Ленин номли, «Марксизм», Калинин номли ва «СССР 50 йиллиги» колхозлари, Толлимаржон районидаги «ВЛКСМ XVIII съезди» қўриқ совхози, Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхоз миришкорлари ҳам йиллик планни шараф билан бажардилар.

✦ БОҒОТ РАЙОНИДАГИ «Боғот» совхози шоликорлари ҳар гектар ердан 65 центнердан ҳосил олиб, давлатга 8610 тонна шоли етказиб бердилар.

✦ СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ Қумқўрғон районидаги «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхози, Жиззах области Октябрь районидаги Собир Раҳимов номли, Пахтакор районидаги [Жиззах области] «Пахтакор» совхози дала гвардиячилари ҳам маррага етдилар.

Республика партия-ҳукуматининг Мурожаатидан руҳланиб йиллик маррани эгаллаган хўжаликлар орасида Сирдарё область Комсомол районидаги «Коммунизм» совхози, Ильич районидаги Тктов номли совхоз, Самарқанд области Хатирчи районидаги Чкалов номли колхоз, шу районидаги «Ўзбекистон» колхозн пахтакорлари бор.

✦ СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИДА механизаторлар зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Ленин йўли районидаги Будённий номли совхоз механизатори Хўжамқул Рустамов ўз машинаси бункеридан 626 тонна пахта тўплаб, У яна 160 тонна пахта термоқчи.

Бўз районидаги «Партия XX съезди» совхози механизаторлари машина терими йиллик планини бажардилар.

✦ САМАРҚАНД ОБЛАСТИ пахтакорлари уруғлик пахта тайёрлаш бўйича йиллик планни бажардилар. Жами 89500 тонна уруғлик пахта тайёрландн.

✦ Техника — деҳқон мададкори. Ундан оқилона фойдаланиш катта самара беришини тажриба кўрсатиб турибди. Йиғим-терим техникасидан республикамиз областларида қандай фойдаланилмоқда.

Фарғона областида ҳар куни 900 машина, Наманган областида эса 600 агрегат бекор турибди. Машина теримидан сўнг тўкилган пахтани теріб олиш бу областларда яхши йўлга қўйилмаган.

Сурхондарё областининг Денов ва Қумқўрғон районлари хўжаликларида ҳам пахта териш машиналаридан унумли фойдаланилмаяпти. Денов районида ҳар куни 170, Қумқўрғон районида эса 100 та пахта териш машинаси ишлатилмаяпти.

✦ Сариосиё районидаги «Боботог» ва Термиз районидаги «Гулбаҳор» совхозларида пахта йиғим-терими суст кашлик билан олиб борилаётганлигини қандай баҳолаш мумкин. Бу хўжаликларда кунлик ўсиш бор-йўғи бир процентни ташкил этмоқда. «Гулбаҳор» совхозида йиллик планга нисбатан 32. «Боботог» совхозида эса 40 процент миқдорида пахта тайёрланган.

ПАХТАКОР УРТОҚЛАР! Ҳамма жойда ишни республика партия ва ҳукуматининг Мурожати асосида ташкил этайлик! Социалистик мажбуриятларни бажариш мукаддас бурчимиздир. Она-Ватанга 5 миллион 850 минг тонна пахта етказиб бериб, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олайлик!

ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИМИЗ ПАРТИЯ XXVI СЪЕЗДИГА

Самарқанд областининг меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини зарбдорона бажаришга, КПСС XXVI съездини меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар билан нишонлашга ҳаракат қилмоқдалар. Область партия-хўжалик активининг 7 октябрь куни бўлиб ўтган йиғилиши қатнашчилари ана шу ҳақда гапирдилар. Йиғилишда область саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари 1980 йил ва умуман беш йиллик учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни қандай бажараётганликлари муҳокама этилди.

Йиғилишда Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов, Самарқанд район партия комитетининг биринчи секретари Р. А. Абдуллаев, Қўшработ район партия комитетининг биринчи секретари Э. Н. Эргашев, Оқдарё район партия комитетининг биринчи секретари У. З. Алимов, Самарқанд районидаги «Москва» колхозининг машинада сут соғиш оператори Р. Султонова сўзга чиқиб, область меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди ва Узбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Олмаотадаги тантаналарда сўзлаган нутқини жанговар иш программаси сифатида қабул қилганликларини таъкидладилар. Кўпчилик саноат корхоналари ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш юзасидан беш йиллик режалаштирилган суръатлардан ўзиб кетдилар. Сифат белгиси қўйилган буюмларни ишлаб чиқариш анча кўпайди — ҳозир 135 хил буюм Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмоқда. Капитал қурилишда 970 миллион сўмдан кўпроқ пул ўзлаштирилди, бу эса тўқ қизиниш беш йиллиқдаги капитал маблағлар ҳажмидан бир ярим баравар кўпдир.

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари катта муваффақиятларга эришдилар. Давлатга дон, пилла, хўл мева, полиз маҳсулотлари, қорақўл тери ва тухум сотиш беш йиллик планлари мудлатидан илгари бажарилди. Бу йил Ватанга 600 минг тонна «оқ олтин» армуғон этишга қарор қилган область пахтакорлари масъулиятли имтиҳондан ўтмоқдалар. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Мурожаати область деҳқонлари, барча меҳнаткашларининг кучига-куч, ғайратига ғайрат қўшди. Шу кунларда Каттақўрғон, Хатирчи, Иштихон, Большевистик районлари қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари зарбдор меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Бу районларда теримтранспорт отрядларининг иши яхши йўлга қўйилган, механик-ҳайдовчилар иш нормасини ҳар куни ошириб адо этмоқдалар.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалигида ҳали фойдаланилмаётган резервлар кўп. Қолоқ корхоналар ва хўжаликларни илғорлар даражасига етказиш ана шундай резервлардан биридир. Самарқандлари баъзи корхоналар ўз имкониятларидан паст даражала ишламоқда. Бир қанча қурилиш ташкилотлари янги қувватларни ўз вақтида ишга туширмаяптилар, тугалланмаган қурилиш ҳажмини қисқартириш соҳасида ҳамма ишлар қилинганн йўқ, уй-жой қурилиши суръатлари талабга жавоб бермаяпти.

Сўзга чиққан нотиқлар қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволини таҳлил қилиб, пахта тайёрлаш суръатларини ҳисоби борича жаллаштириш учун областда барча имкониятлар мавжудлигини айтдилар. Терим машина-механизмларидан самарали фойдаланишга эришиш, барча мавжуд меҳнат ресурсларини ишга солиш зарур. Пахта теримини кўпайтириш резервларидан етарли даражада фойдаланилмаётган, механизаторлар ва теримчиларнинг меҳнат унумдорлиги паст бўлган, машиналар сабабсиз бекор туриб қолаётган хўжаликлар шаънига танқидий мулоҳазалар айтилди.

КПСС XXVI съезди шарафига, мамлакат коммунистларининг бўлажак анжумани шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни ҳар бир коллектив мудатидан илгари бажариши учун социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтариш, — деб таъкидлашди йиғилиш қатнашчилари, — область коммунистлари, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги барча меҳнаткашларининг фахрли бурчидир. Бутун ташкилотчилик ва идеология иши ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

* * *

Ш. Р. Рашидов 1979—1980 йилларнинг қиш мавсуми даврида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиблари — Самарқанд области, билан Самарқанд районига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг фахрий ёрлиқларини топширди. Самарқанд областига 1980 йилда пилла-чилик соҳасида ўтказилган социалистик мусобақа якуларига мувофиқ Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети, Узбекистон касаба союзлари республика Совети ва Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг фахрий ёрлиқлари топширилди. Самарқанд области ва Қўшработ районларига Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Узбекистон касаба союзлари республика Совети ва Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўшма Қизил байроғи ва дипломи ҳам топширилди. (УзТАГ).

БЕШ МИЛЛИОН ОҚ ОЛТИН ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борини тўғрисида шу йил 8 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (тайёрлашнинг умумий ҳажмига нисбатан процент ҳисобида; тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида).

Тошкент	1,20	101,25	1,24	94,02
Бухоро	3,02	89,29	3,79	53,98
Қашқадарё	2,63	84,11	3,10	63,44
Жиззах	2,94	79,39	3,17	84,95
Сурхондарё	2,30	78,70	2,15	65,72
Сирдарё	3,28	77,88	3,69	81,08
Самарқанд	3,46	73,65	3,04	49,51
Фарғона	2,18	70,71	2,42	45,67
Хоразм	2,89	68,65	3,35	47,26
ҚҚАССР	3,08	67,17	3,44	55,48
Андижон	2,48	64,41	3,08	38,85
Наманган	2,26	57,75	2,73	35,36
Республика бўйича:	2,59	74,79	2,98	60,67
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	3,01	61,28	3,49	47,28
Бухоро	2,08	56,22	1,84	7,45
Қашқадарё	2,45	43,52	2,54	22,82
Наманган	0,35	40,17	—	15,34
Республика бўйича:	2,70	55,17	2,96	35,46

КАТАЛИЗАТОРЛАР ВА УЛАРНИНГ КЕЛАЖАГИ

Ғузанинг етилишини тезлатувчи ва пахта ҳосилдорлигини оширувчи стимулятор пахтакорларнинг ижобий баҳосини олди. Бу стимулятор химиявий жараёнларни тезлатувчи катализаторлар туфайли бунёдга келган. Узбекистон ССР Фанлар академияси полимерлар химияси бўлимининг олимлари Ўрта Осиё нефтни қайта ишлаш саноати илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари билан ҳамдўстликда яратган янгилик ўнлаб миллион сўмни тежашга имкон беради. Катализаторлар саноатнинг кўпгина тармоқларида тоборо кенгроқ қўламда қўлланилмоқда.

Мамлакат химикларининг 8 октябрь куни Тошкентда иш бошлаган Бутуниттифоқ симпозиумида катализ соҳасида бундан буён олиб бориладиган тадқиқотларнинг актуал масалалари муҳокама қилинмоқда. Уни Узбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқов кириш нутқи сўзлаб очди. Биринчи мажлисда СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими катализ институти директорининг ўринбосари, химия фанлари доктори Ю. И. Ермаков, химия фанлари доктори Ф. С. Дьячковский, Украина ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. А. Чуйко, Ўрта Осиё нефтни қайта ишлаш саноати илмий-тадқиқот институтининг директори К. Х. Розиқов ва бошқа олимлар берган ахбороти тингланди. Симпозиум социалистик мамлакатлар фанлар академиялари ўртасида халқаро ҳамкорлик доирасида ўтмоқда. Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Чехословакиянинг таниқли химик олимлари ахборот берадилар.

Симпозиум мажлисида Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Қ. А. Аҳмедов нутқ сўзлади. (УзТАГ).

САМАРҚАНД КИМЁГАРЛАРИНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

САМАРҚАНД, 8 октябрь. (УзТАГ). Самарқанд химия заводининг меҳнаткашлари минерал ўғит ишлаб чиқаришни муваффақиятли равишда ошириб бормоқдалар. Бу ерда аммофос тайёрланадиган янги технология линияси ишга туширилди. Бу линия дала меҳнаткашларига ҳосилдорлик малҳами етказиб беришни 1,7 миллион тоннага қадар етказиш имконини беради.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Совети линияни барпо этиш ва ишга туширишда қатнашган қурувчилар, монтажчилар, ҳамда фойдаланувчиларни муваффақият билан табриклидилар. Бугун корхонада бўлиб ўтган тантанали митинг ана шу воқеага бағишланди. Митингда сўзга чиққан қурувчилар, завод ишчилари ва мутахассислари ўз меҳнатларига юксак баҳо берилганлиги учун сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этдилар. Корхона коллективи ваъда бериб айтдики, самарқандлик химиклар КПСС XXVI съезди ва Узбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақани авж олдириб, янги линияни пландагидан уч ой барвақт тўла қувватга етказадилар ва Ватанга топшириқдан ташқари 25 минг тонна маҳсулот берадилар.

Митингда Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. А. Хўжаев нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

БУТУНИТТИФОҚ СЕМИНАРИ

8 октябрь куни Тошкентда Бутуниттифоқ «Холод-80» семинари иш бошлади. Москва, Ленинград, Киев, Одесса, мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан келган совутиш саноатининг етакчи мутахассислари иссиқ иқлим шароитларида сунъий салқинликни қўллаш проблемаларини муҳокама қиладилар.

Семинар қатнашчилари озиқ-овқат саноатида совутиш техникаси ва технологиясини янада ривожлантириш борасидаги тавсияларни ишлаб чиқадилар, республикадаги бир қанча корхоналарнинг иши билан танишадилар. (УзТАГ).

МОСКВАГА ВИЗИТ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан Араб Социалистик уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг Президенти Хафиз Асад Сурия партия-ҳукумат делегациясига бош бўлиб расмий дўстона визит билан 8 октябрь куни Москвага келди.

Аэродромда Х. Асадни, делегация аъзоларини КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советк Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

Аэродромда кутиб олиш. ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шоли ўриб-йиғиб олиш, давлатга сотиш, уруғлик шоли ғамлаш ва ташиб олиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва автоколонналар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1980 йил 6 октябрга бўлган ўн кунлик якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Тошкент области (область партия комитети секретари ўртоқ Мусаховов, область ижроия комитети раиси ўртоқ Алимов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўртоқ Раҳмонов, область ғалла маҳсулотлари етиштириш бошқармаси бошлиғи ўртоқ Бенбоев, Сельхозтехника область бирлашмаси раиси ўртоқ Хегай). Бу область шоли ўриб йиғиб олиш плакини 76,2 процент, шу жумладан, ўн кунликда 46,9 процент, давлатга шоли сотиш планини 77,4 процент, шу жумладан ўн кунликда 59,5 процент бажарган. Байроқ Сурхондарё областидан олиб берилди;

Қорақалпоғистон АССРнинг **Қўнғирот райони** (район партия комитети секретари ўртоқ Абдиров, район ижроия комитети раиси ўртоқ Матчонов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўртоқ Рахмонов, область ғалла маҳсулотлари етиштириш бошқармаси бошлиғи ўртоқ Бенбоев, Сельхозтехника область бирлашмаси раиси ўртоқ Хегай). Бу область шоли ўриб йиғиб олиш плакини 76,2 процент, шу жумладан, ўн кунликда 46,9 процент, давлатга шоли сотиш планини 77,4 процент, шу жумладан ўн кунликда 59,5 процент бажарган. Байроқ Сурхондарё областидан олиб берилди;

Сирдарё область, Сирдарё районидаги **«Шоликор» совхози** (совхоз директори ўртоқ Маманов, партия ташкилоти секретари ўртоқ Бобожонов, ишчилар комитети раиси ўртоқ Мўминов). Бу совхоз шоли ўриб-йиғиб олиш планини 70,5 процент, шу жумладан ўн кунликда 39,4 процент, давлатга шоли сотиш планини 56,5 процент, шу жумладан ўн кунликда 34,8 процент, уруғлик ғамлаш планини 48,5 процент, шу жумладан ўн кунликда 48,5 процент бажарган;

Тошкент область, Ғалаба районидаги **Калинин номли совхоз** (совхоз директори ўртоқ Омонов, партия ташкилоти секретари ўртоқ Отабеков, ишчилар комитети раиси ўртоқ Жолдосов). Бу совхоз шоли ўриб-йиғиб олиш планини 100 процент, шу жумладан ўн кунликда 73 процент, давлатга шоли сотиш планини 17 процент, шу жумладан ўн кунликда 17 процент бажарган. Байроқ Хоразм область, Хонқа районидаги Ал-Хоразмий номли совхоздан олиб берилди;

Қорақалпоғистон марказлаштирилган тарзда юк ташиш автомобиль трестининг йиғма автоколоннаси (йиғма автоколонна бошлиғи ўртоқ Хайритдинов, партия ташкилоти секретари ўртоқ Каниказаров, маҳаллий комитет раиси ўртоқ Разбергенов). Бу автоколонна шоли ташиш планини ўн кунликда 119,7 процент бажарган.

ЭКОНОМИСТЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ СИМПОЗИУМИ

8 октябрь куни Тошкентда социализм сиёсий иқтисоди тарихининг методологик проблемаларига бағишланган Бутуниттифоқ симпозиуми иш бошлади. Симпозиумни СССР Фанлар академияси ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг экономика институтлари, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ижтимоий фанларни ўқитиш бошқармаси уюштирган.

Симпозиумнинг муҳокама программасида социализм сиёсий иқтисоди предмети ва методи, ривожланган социалистик жамият қурилиши даврида социалистик такрор ишлаб чиқаришнинг айрим проблемаларини ишлаб чиқиш тарихи, иқтисодий тадқиқотларда иқтисодий ва математик методларни қўлланиш масалалари бор.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг, СССР Фанлар академияси, Украина, Ўзбекистон, Озарбайжон Фанлар академиялари экономика институтларининг, Москва, Ленинград, Қозон, Рига, Олмаота, Душанба олий ўқув юртларининг етакчи олимлари, иқтисодчи практиклар доклад қиладилар ва ахборот берадилар. (ЎзТАГ).

СЎНГГИ ЙЎЛГА

П. М. МАШЕРОВНИ ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИ

МИНСК, 8 октябрь. (ТАСС). Белоруссия меҳнаткашлари Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Петр Миронович Машеровни сўнгги йўлга кузатиб қўйдилар.

Минскдаги ҳукумат уйи икки кундан буён мотам либосида. Марҳумнинг жасади солинган тобут шу ерга, Белоруссия ССР Олий Советининг залига қўйилган. Шаҳарда СССР ва Белоруссия ССРнинг давлат байроқлари эгиб қўйилган.

Ўзининг бутун ҳаётини, кучи ва билимини, ғоят зўр ташкилотчилик истеъдодини коммунизм қурилиши ишига бағишлаган совет халқининг содиқ фарзандига чуқур ҳурмат бажо келтирмоқ учун кеча бўлганидек, бугун эрталабдан минглаб кишилар бу ерга келдилар.

Мотам куйлари янграйди. Республика меҳнат коллективларининг вакиллари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг ходимлари, Улуғ Ватан урушининг ветеранлари, Совет Армиясининг жангчилари, студентлар ва мактаб ўқувчилари мотам сукутини сақлаб тобут олдидан ўтадилар. Тобора янги-янги гулчамбарлар залга олиб кирилади. Петр Миронович Машеровнинг порлоқ хотирасини эъзозламоқ учун Москва ва Ленинград, қардош иттифоқдош республикаларнинг делегациялари, совет космонавтларининг группаси келишган. ПБИП Марказий Комитети секретариатининг аъзоси З. Зелиньский бошчилигидаги Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг делегацияси ҳам келди. Сўнгги видолашув дақиқалари яқинлашмоқда. Делегацияларнинг раҳбарлари, дафн этишни ташкил қилувчи ҳукумат комиссиясининг аъзолари фахрий қоровулликда турадилар.

Тобут қўйилган залга кириш тўхтатилади. Марҳумнинг олдида унинг қариндош-уруғлари ва яқин кишилари қоладилар.

Белоруссия Компартияси билан республика ҳукуматининг раҳбарлари П. М. Машеров жасади солинган тобутни В. И. Ленин номли майдонга олиб чиқиб, сулга қўядилар. Майдонда минг-минглаб кишилар бор эди.

Ҳукумат комиссиясининг раиси, Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Е. Поляков мотам митингини очди. У Белоруссия ССР коммунистлари, барча меҳнаткашлари, партия ва халқ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Петр Миронович Машеровни ғоят чуқур қайғу билан сўнгги йўлга кузатиб қолаётганликларини айтди.

Сўнгра КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин нутқ сўзлади. Мамлакатимизнинг таниқли партия ва давлат арбоби, Коммунистик партия билан совет халқининг содиқ фарзанди, улкан ҳаётий зафарлар соҳиби бўлган инсон, жасорати ва меҳнати Ватаннинг олий мукофотлари билан, Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонлари билан тақдирланган киши, деди у, ижодий кучлари айни барқ урган бир пайтда ҳаётдан безакт кўз юмди.

Белоруссия Совет Социалистик Республикасининг коммунистлари ва меҳнаткашлари билан бирга бутун партиямиз, бутун кўп миллатли социалистик Ватанимиз шу оғир жудолик қайғу аламини бошидан кечирмоқда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети ана шу катта мусибат муносабати билан Белоруссия Компартияси Марказий Комитетига, республика Олий Совети Президиуми, Министрлар Советига, коммунистлари ва барча меҳнаткашларига чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

М. В. Зимянин ажойиб инсон ва коммунист, партиямиз иши учун актив курашчи Петр Миронович Машеровнинг вафот этганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев билдирган чуқур ҳамдардликни топширди.

Петр Миронович Машеровнинг бутун меҳнат йўли, деб давом қилди КПСС Марказий Комитетининг секретари, Коммунистик партия билан, унинг ленинизм ғояларини рўёбга чиқариш, мамлакатимизда коммунистик жамият барпо этиш соҳасидаги баҳодирона фаолияти билан батамом боғлиқ эди.

У алангали 1943 йилда коммунист бўлди. Петр Миронович немис-фашист босқинчиларига қарши жангда ўзининг партия ишига чексиз содиқ эканлигини кўрсатди. У Белоруссияда партизанлар ҳаракати ва коммунистик подпольенинг дастлабки ташкилотчиларидан бири бўлган эди.

П. М. Машеров партия сафларида Белоруссия ёшларининг эътирофи этилган раҳбари сифатида, сўнгра эса истеъдодли партия раҳбари сифатида ўсиб-улғайди ва чиниқди. У Минск область партия комитетининг секретари, Брест область партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. Белоруссия Компартияси Марказий Комитетида 20 йилдан кўпроқ вақт самерали ишлади. Партия уни йўллаган барча участкаларда Петр Миронович Машеров ўзига хос ташаббускорлик, ғайрат-шиддат ва матонат билан қучқуватини аямай, фидокорона меҳнат қилди.

П. М. Машеровнинг партия арбоби сифатидаги ажойиб фазилатлари, унинг ҳар томонлама қобилияти Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимида ғоят зўр куч билан намоён бўлди.

Петр Миронович кўп йиллар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайланиб келди. У ўртоқ Леонид Ильич Брежнев раҳбарлигида партиямизнинг ленинча штабида ишлаб, партиянинг бош йўлини, унинг ички ва ташқи сиёсатини актив амалга оширди.

Белоруссия меҳнаткашларининг партия ўртага қўйган иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этишдаги, республика фани ва маданиятини ривожлантиришдаги жуда катта муваффақиятлари Петр Миронович Машеровнинг номи билан боғлиқ. Ҳамма жойда у ўзининг жўшқин ижодий ғайратини, кишиларни илҳомлантириш ва сафарбар этиш маҳоратини намоён қилди.

Белорус деҳқонининг фарзанди П. М. Машеров ўзининг бутун ҳаётида Белоруссия дўстлари ва халқи билан чамбарчас боғлиқ бўлди, республика меҳнаткашларининг, барча совет кишиларининг чуқур ҳурмати ва меҳр-муҳаббатини қозонди.

Петр Миронович Машеров меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш ишига, белорус халқининг улуғ рус халқи билан, буюк Совет Ватанимиздаги барча халқлар билан қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди.

Унинг ҳамма ишларида юксак партиявий масъулият ва принципиаллик, ишчанлик, камтарлик кўриниб турарди.

Бугун биз Петр Миронович Машеров билан чуқур қайғуаламга тўлиб видолашяпмиз. Оғир жудолик сабабли марҳумнинг қариндош-уруғлари, яқин кишиларига энг самимий чуқур ҳамдардликларимизни изҳор этамиз.

Бутун ҳаётини партия билан халқ манфаатларига, коммунизм қурилиши буюк ишига бағишлаган Коммунистик партия ва совет халқининг содиқ фарзанди Петр Миронович Машеровнинг порлоқ хотираси совет кишиларининг қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. И. Бровиковга сўз берилади. Ҳаммамиз оғир, чуқур қайғудамиз, деди у. Фожиали ҳодиса туфайли заковатли, истеъдодли, самимий улкан инсон орамиздан кетди. Биз, унинг бирга ишлаган ўртоқлари у ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам муаммони бирдан-бир тўғри ҳал этиш йўлини топа олган киши сифатида биламиз.

Ажойиб шахсий фазилатлари туфайли партия юксак лавозимга қўйган, партия билан халқнинг ишончини қозонган П. М. Машеров шу ишончни муқаддас деб билиб, қадрлаб ва ўзининг бутун ҳаёти билан уни оқлади.

У катта кўламдаги партия ва давлат арбоби бўлгани ҳолда ҳамиша оддий ва камтар, одамларни севар ва улар билан самимий эди.

Митингда РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси М. А. Яснов, Минск трактор заводининг слесарь-асбобсози, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Е. Климченко, Украина Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари И. З. Соколов, Белоруссия ССР Фанлар академиясининг президенти Н. А. Борисевич, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. П. Гришкявичус, Қизил Байроқ орденли Белоруссия ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони танк қўшинлари генерал-полковники М. М. Зайцев, Белоруссия Компартияси Сеннен район комитетининг биринчи секретари Г. М. Храмченко, Белоруссия ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. П. Шаплико ҳам сўзладилар.

Мотам митинги ёпиқ деб эълон қилинади. Белоруссия Компартияси ва республика ҳукуматининг раҳбарлари П. М. Машеров жасади солинган тобутни тўп лафетига қўядилар. Мотам кортежи йўлга тушади. Майдонда ва шаҳарнинг марказий магистрали — Ленин проспекти бўйлаб йиғилган минглаб минскликлар уни кузатиб қоладилар.

Белоруссия ССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Аксёнов қабристонда видолашув сўзини айтди.

Тўпларнинг салют гумбурлашлари остида тобут қабрга қўйилади. Мотам марши янграйди. Унинг кетидан Совет Иттифоқи ва Белоруссия ССР гимнларининг оҳанглари таралади.

Гулчамбар ва гулдасталар билан бурканган қабр ёнидан фахрий эскорт жангчилари тантанали марш билан ўтадилар. Улар ўзининг бутун ҳаётини буюк Ленин иши хизматига бағишлаган Ватаннинг содиқ фарзанди Петр Миронович Машеровга сўнгги ҳарбий ҳурматни бажо келтирадилар.

ХАЛҚЛАРНИНГ ТИНЧ ЯШАШИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг «Халқларнинг тинч яшашини таъминлаш — барча давлатларнинг вазифаси» деган мавзуда сўзлаган нутқи брошюра қилиб нашр этилди. А. А. Громико БМТ Бош Ассамблеясининг XXXV сессиясида 1980 йил 23 сентябрда сўзга чиқиш эди.

СССР ташқи ишлар министрининг БМТ Бош секретарига йўллаган мактублари шу китобга киритилган. Совет Иттифоқининг «Ҳозирги ва келажакдаги авлодлар учун Ер табиатини сақлаш юзасидан давлатларнинг тарихий жавобгарлиги тўғрисида»ги ва «Уруш хавфини камайтириш соҳасида кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида»ги масалаларни кўриб чиқиш ҳақидаги таклифлари, шунингдек Совет Иттифоқининг сессияга тақдим этган «Тинчлик ва қуролсизланиш учун, халқаро хавфсизликни гарантиялаш учун» меморандуми шу мактубларда баён қилинган.

Брошюрани Сиёсий адабиёт нашриёти чоп этди.

(ТАСС).

*

Республикамиз индустриясининг навқирон корхонаси — Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли капролактам комплекси коллективи кундан-кунга сурътни жадаллаштирмоқда. Улар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигигача корхонанинг лойиҳадаги қувватини ўзлаштириш мажбуриятини олишган.

Суратларда: 1. Совутиш қурилмаларининг энг яхши машинистларидан бири Рихситилла Турсунов. 2. Капролактам ишлаб чиқариш комплексининг кўриниши.

А. Горокрик фотолари.
(ЎзТАГ).

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЖЎНАБ КЕТДИ

Корея Меҳнат партияси VI съезди ишида ва партия тузилганлигининг 35 йиллиги байрамида қатнашмоқ учун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин бошчилигидаги КПСС делегацияси Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан 7 октябрь куни Москвадан Пхеньянга жўнаб кетди.

Делегация составида КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Омск область комитетининг биринчи секретари С. И. Манякин, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССРнинг КХДРдаги элчиси Г. А. Краулин бор.

Аэродромда делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Каситонов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

ҚАЧОНГАЧА ИМИЛЛАЙСИЗ?

Республикамизда пахта йиғим-терими ҳал қилувчи паллага кирди. Бутун куч, техника воситаларини шу мақсад йўлига сафарбар этган Ромитан, Ғиждувон, Пешку, Бўка, Ғалаба, Пискент районлари пахта тайёрлаш юзасидан белгиланган йиллик халқ хўжалик планларини бажариб, юксак социалистик мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топшираётганларига анча бўлди. Шаҳрисабз, Қамаши, Толлимаржон, Шўрчи ва бошқа қатор илғор районларнинг пахтакорлари ҳам катта зафар қучмоқдалар. Шуниси диққатга сазоворки, бу районларда терим суръати сира суссайтирилаётгани йўқ, аксинча, бутун чоралар билан кучайтирилянти. Социалистик мажбуриятларни ҳам биринчидан бўлиб бажариш илғор районлар пахтакорларининг шарафли бурчига айланди.

Комсомолобод, Октябрь, Ильич, Каттақўрғон, Киров ва бошқа қатор районлар теримчиларининг фидокорона меҳнатлари, забардаст машиналар шарофати билан тобора марра сари яқинлашмоқда. Теримда дақиқаларнинг қадрига етаётган бу районларнинг пахтакорлари кунлик ўсишда ҳам, ялпи пахта тайёрлашда ҳам илғорликни қўлдан бермаётирлар.

Илғор районлар муваффақиятининг сири шундаки, партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари вазиятни ҳисобга олиб, теримчилар ва машиналар иш унумини кўтариш, коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлаш чораларини кўрмоқдалар, оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ва идеология ишларининг таъсирчанлигини оширмоқдалар, социалистик мусобақани кучайтирмоқдалар, меҳнат интизомини мустаҳкамлаб, бегамлик, бепарволик, сусткашликка қатъий барҳам бермоқдалар, терим илғорлари тажрибасини ҳамманинг мулкига айлантирмоқдалар.

Бироқ ғанимат фурсатлар ўтиб бораётганига қарамай Когон, Пайариқ, Охунбобоев, Боғот, Тахтакўпир, Чимбой Жалолқулоқ, Қўрғонтепа, Задарё, Учқўрғон районларида пахта териш ва давлатга топшириш ўта суст-кашликка йўл қўйилянти. Ўтган йилларда ишни ўюшқоқлик билан ташкил этиб илғорлар сафидан ўрин олишга муяссар бўлган Усмон Юсупов, Мирзачўл, Шеробод районлари бу йил республика бўйича энг кейинги ўринларда турибди. Шуниси ачинарлики, бу районларнинг раҳбарлари теримда кескин ўзгариш ясаш ҳақида кўп ваъдалар бериш-янти-ю амалда ваъдага зафо қилмаянтилар. Графиклар бажарилмаслиги оқибатида тайёрлов пунктлари, пахта тозалаш заводларига кўзда тутилган миқдорда «оқ олтин» жўнатилмаянти.

Республика жамоатчилиги ана шу районларнинг раҳбарларига пахта йиғим-теримида қачонгача имиллайсиз деб савол бериша ҳақлидир. Республика бўйича сим орқали ўтказилган кенгашда Задарё райони шаънига қаттиқ танқидий мулоҳазалар айтилган эди. Афсуски, адолатли танқиддан ҳамон тегишли хулоса чиқариб олинмаянти, пахта теримида кескин ўзгариш қилинмаянти. Ёки бу районларнинг раҳбарлари қайта ёз ҳавоси келишини кутишяптими? Кўсак очилмаянти, барг тўкилмаянти деган баҳонага ўрин қолмади. Ростини айтганда ҳозир очилмаган кўсаклар қачон очилади? Гап шундаки, республика бўйича пахта тайёрлашда юксак кўрсаткичларга эришишга тўғаноқ бўлаётган бу районларда машиналарнинг бунёдкорлик ролига етарли эътибор берилмаянти. Механикҳайдовчилар мусобақасини ташкил этишда расмиятчиликка йўл қўйилянти, дала меҳнатчиларининг юқори унум билан ишлашларига етарли маданий-маиший шароит яратиб берилмаётир. Яна бир камчилик шуки, ишга яроқли кишиларнинг хаммаси теримга тўла сафарбар этилмаган. Шаҳарлик ёрдамчилар теримга отланганлари ҳолда колхозчилар, совхоз ишчиларининг бир қисми бозор-ўчар, шахсий томорқалари иши билан банд бўлиб қолишянти. Партия ташкилотлари ҳосил тақдири учун масъулият ва талабчанликни кучайтирмаянти.

Далаларда ҳосил кўп, уни тезкорлик билан териб олиш, план ва мажбуриятларнинг қисқа фурсатларда бажарилишини таъминлаш партия, совет ташкилотларининг бурчидир. Бунинг учун барча «зангори кема»лар тўла ишга туширилиши, бирортасининг пайкаллардан чиқиб кетишига йўл қўйилмаслиги, имкони борича иш самарадорлиги оширилиши керак. Бироқ айрим областларда турли беўрин сабаблар билан терим машиналари бекор турибқолянти. Масалан, Қорақалпоғистон АССРда ҳар куни 1500 дан зиёд, Андижон ва Фарғона областларида 600—700 машина теримда қатнашмаянти. Наманган областида бекор турибқолаётган машиналар сони 550 дан ортади. Кунлик пахта тайёрлаш графиклари тузилганда машиналарга катта умид боғланганди муқаррар. Шундай экан, ана шу бекор турибқолаётган машиналар қачон пайкалларга киритилади? Колхоз ва совхоз, «Госкомсельхозтехника» область ва район бирлашмаларининг раҳбарлари бу ҳаёда жиддий ўйлаб кўришлари, шу кунларда терим техникасининг тўла қувват билан ишлатилишини сўзсиз таъминлашлари керак.

ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ИНШООТЛАР—НАЗОРАТДА

ОЛМАЛИҚ ГИГАНТИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИ ВА РЕСПУБЛИКА РАДИОСИНИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ



Олмалиқ... Республикамизнинг энг навқирон шаҳарларидан у. Қурама тоғлари атрофида ноёб мис, рух, қўрғошин конларининг топилиши ана шу индустриал шаҳарнинг дунёга келишига туртки бўлди. Худди шу ерда, бундан роппа-роса ўттиз бир йил муқаддам ҳозирги Ленин орденли, Меҳнат Қизил Байроқ орденли кон-металлургия комбинатининг дастлабки корхоналари қад ростлаган эди. Эндиликда у — мамлакат рангли металлургиясининг улкан саноат комплексидир.

Корхонанинг кўп минг машиналик маъдан қазувчилар, бойитувчилар, металлурглар, винокорлар ва монтажчилар коллективи олдидаги энг асосий вазифа — жуда қисқа муддатда комбинат қувватини қариб икки баравар оширишдан иборат. Амалда ишлаб чиқаришни тўхтатмай, махсулот ҳажмини камайтирмай, сифатини туширмаган ҳолда яна бир комбинат яратиш керак. Бунинг учун атиги беш йил ажратилган холос.

Партия иродаси, халқ хоҳиши шундай. В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинатини кенгайтириш, реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш учун жуда катта ҳажмда тайёргарлик ишлари олиб борилди. Ўзбекистон ССР Қурилиш, республика Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрликлари, «Главташкентстрой» трести бош бошқармаси, СССР Транспорт министрлиги ягона программа асосида иш бошладилар. Шаҳарда уйжой ва маданий-маиший объектларни қуриш учун ихтисослашган махсус «Алмаликрадострой» трести тузилди. Олмалиқ химия заводи навбатларини тез ва соз қуриб шуҳрат қозонган, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев табригига сазовор бўлган Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Алмаликсвинецстрой» трести бош пудратчи қилиб тасдиқланди. Ўнга йигирмага яқин винокорлик ва монтажлаш ташкилоти ёрдамчи пудратчи сифатида биркитилди.

Белоён мамлакатимизнинг деярли ҳамма республикаларидаги юздан зиёд бирлашма ва завод Олмалиққа энг замонавий машина ва ускуналар етказиб бериш вазифасини зиммасига олди. Москва, Ленинград, Свердловск, Ростов, Ереван, Олмаота, Новороссийск сингари қатор шаҳарлардаги лойиҳалаш институтлари коллективлари комбинат буюртмаларини бажаришга жалб этилди. Жами йигирма битта объектдан тўрттаси — рух заводи, «Қалмоққир» кони, «БелАЗ—548» автомобилларини ремонт қилиш бош цехи ва мис бойитиш фабрикасидаги қурилишлар ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ишга туширилдиган иншоотлар рўйхатига киритилди.

Мана, 1980 йилнинг сўнгги кварталы ҳам бошланди. Хўш, республикамизнинг бу муҳим қурилиш майдонида ишлар қандай бормоқда?

— КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Олмалиқ кон-металлургия комбинатини кенгайтириш, реконструкциялаш ҳамда техника билан қайта қуроллантириш ҳақидаги қароридан илҳомланган қурилиш-монтаж ташкилотларимиз, — дейди «Алмаликсвинецстрой» трести бошқарувчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган винокор Р. Қўлдошев, — партия ташкилотлари раҳбарлигида ўтган даврда муайян ютуқларни қўлга киритдилар. Рақамларга мурожаат қилайлик. Гарчи бир қарашда улар қуруқ, жонсиздай кўринса-да, аммо замирида олам-олам мазмун бор. Ўтган йили трестимиз комбинат объектларида 17 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини адо этди. Бу, 1978 йили амалга оширилганидан салкам олти баравар кўп, дегани. Маҳсулот чиқиндиларни ташлаб юборилиадиган бирлашган хўжалик, «Қалмоққир» кони биринчи навбатнинг объектлари, шлаковозгоналарни қабул қилиш ва қуйдириш цехи, мис-молибден концентратини бўлакларга ажратадиган секциялар, қўрғошин ва мис бойитиш фабрикаларининг дастлабки корпуслари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Трестнинг азамат коллективи якунловчи йил тўққиз ойи план топшириқларини 105, ишга туширилиадиган иншоотлар бўйича эса 109 процент бажарди. Мис бойитиш фабрикасининг навбатдаги секциясини реконструкциялашдай йирик объектлар комплекси фойдаланишга топширилди. Рух заводини кенгайтириш ишлари дуруст кетяпти. Энергия таъминотини йўлга қўйиш ишлари поёнига етказилмоқда. «БелАЗ» автомобилларини ремонт қилувчи бош цех иншоотларидаги қурилишлар ҳам асосан графикка мувофиқ олиб борилянти. Кейинги секцияни реконструкциялаш тугалланиш арафасида.

Бундай муваффақиятнинг сабаби нимада?

— Энг аввало, — дейди Меҳнат Қизил Байроқ орденли винокор М. Худойбоқов, — биз, қурувчилар буюртмачи билан умумий тил топишга ҳаракат қиламиз. Масалан, битказилган секцияни олайлик. Уни реконструкциялаш жараёнида содир бўлган барча масалалар тез ҳал этилди. Ў ёки бу иш кўнгилдагидек чиқмай қолса, икки томон бир-бирига даъво қилмай, аксинча ёрдам қўлини чўзишди. Иш тезлашишининг яна бир омили — мастерлар, прораблар, оддий қурувчиларнинг ўз меҳнатларига ижодий ёндашишлари, ташаббус кўрсатишларидир. Йигма конструкциялар миқдорини кўпайтиришда айнан ташаббускорлик кўл келди.

Трестда 344, 345-механизациялашган кўчма колоннолар, «Промтехмонтаж», «Стальмонтаж», «Ўзэлектромонтаж», «Промвентиляция» бошқармалари коллективларини алоҳида ҳурмат билан тилга олишди. Мазкур ташкилотларнинг коллективлари план ва социалистик мажбуриятларни шараф билан адо этишда энг яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар, объектларнинг тасдиқланган графикда топширилишини таъминламоқдалар.

Биз ишга туширилиадиган иншоотлар қурилиши билан танишар эканмиз, баъзи объектларда қолоқликка йўл қўйилаётганига ҳам дуч келдик. Мис бойитиш фабрикасининг реконструкция қилинаётган секцияси комплексида қурилиш-монтаж ишлари плани умуман ошириб бажарилгани ҳолда 23-тегирмон, 37-подстанция сингари бир қатор объектларда графикдан анча орқада қолинмоқда. Бунда меҳнатни яхши ташкил этолмаган трест ҳам, уларга ўз вақтида иш фронти яратиб бермаган буюртмачи ҳам айбдордир. Рух заводидаги химия мудофааси, пардозлаш, монтажлаш ишларини ҳам жадаллаштириш зарур.

Назаримизда оғир аҳвол «Қалмоққир» кони реконструкциясида мавжуд. Чунки, «Ўзтранспецстрой» бирлашмаси ва «Ўзстройменханизация» трести конда темир йўл қуришга зарур миқдордаги ишчи ва моддий ресурсларни, механизация воситаларини тўплаш учун ҳеч қандай чора-тадбир кўрмаётир.

— Олмалиқ кон-металлургия комбинатини кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш суръати кун сайин ошмоқда, — деди корхона партия комитети секретари Т. Исмоилов. — Ҳар қандай қурилишда, хоҳ у катта ёки кичик бўлсин, буюртмачи, бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар ўзаро ҳамкорликда, бир-бирига кўмаклашиб ҳаракат қилсагина муваффақиятга эришиш мумкин.

М. САИДОВ,
республика радиоси мухбири.

Э. ХЎЖАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

(Қўшма рейд материаллари ҳақида бугун радио орқали биринчи программада соат 12.10 да эшитишингиз мумкин).

ТЕРИМНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗАЙЛИК

КОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗЛАРНИНГ ИШЧИЛАРИ! СИЗЛАР МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ УЧУН ЖУДА КАТТА КУЧ-ҒАЙРАТ, МИСЛСИЗ МЕҲНАТ САРФЛАДИНГИЗ. ТЎПЛАНГАН УМУМХАЛҚ БОЙЛИГИНИНГ БИРОНТА ҲАМ ЧАНОҒИ НЕСТ-НОБУД БЎЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГИЗ. ВАТАН СИЗЛАРДАН АНА ШУНИ КУТМОҚДА, ПАХТАКОРНИНГ ШОН ВА ВИЖДОНИ ШУНИ ТАЛАБ ЭТМОҚДА.

(РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИНИНГ МУРОЖААТИДАН).

Сўз—беш йиллик маррасидан ўзганларга

ҲАМИША ОЛДИНГИ САФДА

Ўнинчи беш йилликнинг сўнгги босқичи — 1980 йилда пахтадан мисли кўрилмаган юқори ҳосил етиштириб, давлатга 10 минг 100 тонна «оқ олтин» топширдик. Халқ хўжалик плани муддатидан илгари бажарилди. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, колхозимиз давлатга «оқ олтин» сотиш бўйича беш йиллик планини ҳам ортиғи билан адо этди.

Муваффақиятларимиз омиллари нималардан иборат? Фан-техника ютуқлари, прогрессив усуллар, илғор тажрибаларни пахтачиликка кенг жорий этяпмиз, комплекс механизацияга кенг йўл очиб берилди. Натижада агротехника тадбирлари энг қулай фурсатларда амалга ошириляпти. Ернинг ҳар қаричи, сув, ўғитлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланяпмиз. Бутун иш жараёнида самарадорлик ва сифатни бош масала қилиб қўяяпмиз.

Маълумки, ҳосил тақдири бригадада ҳал қилинади. Бригадир ишчан, ташкилотчи, янгиликка ихлосманд бўлса, ҳар қандай қийин иш ҳам тез ва осон ҳал қилинади. Бизнинг бригада бошликларимиз ана шундай фазилатларга эга бўлган кишилардир. Уларнинг тажрибаси ва малакасини оширишга алоҳида эътибор берямиз.

Партия ташкилотимиз ўз фаолиятини кучайтиряпти, меҳнат аҳли орасида партиявий-ташкилий, идеология ишларини юқори поғонага кўтаряпти. Социалистик мусобақа кенг оммалашмоқда. Пахтачилик бригадалари, чорва комплекси ва бошқа тармоқларда мусобақа қудратли кучга айланди.

Уруғ — ҳосилнинг онаси. Пахтадан рекорд ҳосил етиштираман деган деҳқон, катта хирмонни кўзлаётган колхоз ёки совхоз уруғчилик ишига эътиборни кучайтириши лозим. Бу борада колхозимизда нималар қилинялти? 150 гектар майдонда пахтанинг «АН-3», «Ўзбекистон» ҳамда «Самарқанд» навлари тажриба учун ўстирилди. Янги нав экилган ҳар гектар ердан юқори ҳосил олинялти. Масалан, Расул Маҳмудов, Ориф Алимов, Исроил Хўжаназаровлар бригадалари ҳозирдаёқ гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришди. Сувни кам талаб қилиши жиҳатдан «АН-3» нави, айниқса бизга жуда ёқди.

Колхозимиз уруғчилик хўжалиги, районимиз бўйича етиштириладиган уруғлик пахтанинг ўндан бир қисми бизнинг колхозимизда тайёрланади. Азамат теримчиларимиз уруғлик пахтани саралаб териб, ўз бурчларини шараф билан ўтамоқдалар. Айни кезда уруғлик пахтани машиналарда териш ҳам кенг кўламда ташкил этилмоқда. Хўжалигимиз бўйича тайёрланадиган бундай пахтанинг 2500 тоннаси бункерлардан тўкилди. Бу борада Али Ғафуров, Ғайрат Носиров, Соҳиб Туропов каби механик - ҳайдовчиларимиз фидокорлик билан меҳнат қилаётганликларини айтиб ўтиш ўринлидир.

Ҳосилдорлик ошмоқда. Биз шу ҳисобга ҳар йили планга қўшимча 2,5—3 минг тонна пахта тайёрлаяпмиз. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Умри Орифжонова, Карим Исақулов, Эргаш Очилов, Ҳусанбой Қодировлар бошлиқ бригадаларимиз 60 центнерчилик ҳаракатининг ташаббускорларидир. Улар ҳалол меҳнат билан ўз сўзларининг устидан чиқмоқдалар. Уларнинг бой тажрибаси ҳамманинг мулкига айланмоқда. Бу эса қўшимча минг тонналаб пахта олиш имкониятини беради.

Теримда фурсат, механизация ҳал қилувчи роль ўйнайди. Колхозимиз бўйича яппи пахта миқдорини 14 минг тоннага етказишга аҳд қилганмиз. Бу мураккаб, лекин шарафли вазифани асосан механизаторларимиз бажаришлари керак. Улар яхши ишлашяпти. Моҳир механик-ҳайдовчиларимиз дан Абдураззоқ Авалбоев, Мамадиёр Фармонов, Абдураим Бутунбоевлар кунлик терим графигини бир ярим-икки хиссага етказиб бажариб, ҳаммага ибрат кўрсатмоқдалар. Лекин ўз имкониятлари даражасида ишлаётганлар ҳам йўқ эмас. Якунловчи йилни колоқдарсиз тугаллаймиз, деган шиоримиз бор. Шундай экан, ҳамма механик-ҳайдовчиларимиз ўз мажбуриятларини бажаришлари учун барча зарур шароитни яратиб беришимиз, айни пайтда ундага талабчанликни кучайтиришимиз керак.

Колхозимиз бу йилги пахта тайёрлаш халқ хўжалиги планини муддатидан илгари бажарди. Лекин зиммамизда мажбурият масъулияти турибди. Далаларимизда хали ҳосил кўп. Биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш планини бажарган Сувонқул Қосимов бригадаси кунига 4—5 процент пахта жўнатаётгани бундан далолат беради. 60 дан знёд «зангори кема» тинимсиз ишлатилиб, ҳар бири билан 6—7 тоннадан пахта теришяпти. Бу ҳам ҳали пахта кўплигининг нишонасидир. Бир сўз билан айтганда 14 минг тонналик маррани эгаллаш учун барча чораларни кўряпмиз. Лекин бу билан чегараланишга ҳаққимиз йўқ. Районимиз, областимиз, ниҳоят, республикамиз бўйича планлар ва мажбуриятлар тўла ҳамда ошириб бажарилгандан кейингина пахтажорлик бурчимизни тўла ўтадик дея оламиз.

Ҳозир Ўзбекистоннинг 5 миллион 850 минг тонна «оқ олтин»и учун курашда энг масъулиятли, ниҳоят даражада ҳал қилувчи босқич бошланди, дейилади республика партия ва ҳукуматининг куни кеча Ўзбекистоннинг барча меҳнат аҳлига қилган Мурожаатида. Бу гаплар биз учун ҳам янг дахлдордир. Колхозимиз правлениеси ва партия ташкилоти йигим-терминг ана шу масъулиятли босқичида далада ишлаётганларга ғамхўрлик қилиш, теримчи ва механизаторларнинг унумли ишлашларига яхши шарт-шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилмоқда. Ҳар куни пахтакорларимиз мунтазам иссиқ овқат, мева, қовунтарвуз ва бошқа маҳсулотлар билан таъминланяпти. Савдо, медицина, маданий-маиший хизмат кўрсатиш дала шийпонларига кўчирилган. Теримчилар ҳамда механик-ҳайдовчилар, транспорт ходимлари, хуллас, пахта теримида қатнашаётган кишиларнинг ҳаммасига иш ҳақи вақтида берилялти. Улар меҳнатларига яраша тақдирланмоқдалар. Мусобақа бутун чоралар билан кучайтирилялти, пахта нобудгарчилигига қарши қаттиқ кураш олиб борилялти.

Колхозимиз пахтакорлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезднни она-Ватанга 14 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш, кишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан белгиланган барча планларни тўла ва ошириб бажариш билан кутиб оладилар.

А. ЭРГАШЕВ,
Жиззах районидаги Ленин орденли «Москва» колхози раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.



Октябрь районидаги Ҳамза номли совхозда терим суръати тобора ошиб бормоқда. Чўлқуварлар айниқса машина теримига эўр бершяпти. Агрегатлар икки сменада юксак унумларда ишлатилаётир. Ғиёс Назруллаев бошлиқ бригада азаматлари 50 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш мажбуриятини олишган. Далаларда иш юксак мажбурият асосида олиб борилялти. Суратда: бўлим бошқарувчиси Урозбой Албоев илғор бригада бошлиғи Ғиёс Назруллаев билан ҳосилни чамалаб кўришялти.

А. Тўраев фотоси.

ПАХТАКОРГА ҲАММА МАДАДКОР

МЕҲНАТ МАКТАБИ

Ўлкамизда қимирлаган жон борки, пахта дарди билан яшайди, пахтани, пахтакорни ўйлайди, «оқ олтин» хирмонимиз ҳар қачонгидан ҳам юксалса дейди. Шу боисдан ҳам бизда ҳамма ўзини пахтакор санайди. Шундай дейишга ҳақли ҳам. Зеро, ишчию студент, олиму шифокор, қўйнгчи, барча шаҳарлик ҳамиша пахтакорларга мададкор, ҳамкору ҳамдаст бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Бу ҳамкорлик ишчи-инженерларимиз яратаётган серунум пахта териш машиналарида, ғўза ривожига баракали таъсир этаётган минерал ўғитларда, ўсимлик баргини тез, соз ва сифатли тўкадиган дефолянтларда ўз аксини топмоқда. Ғўзанинг вилт ва бошқа касалликларга чидамли, тезпишар ва серҳосил навларини яратиш устида селекционерлар олиб бораётган изланишлар ҳам, деҳқоннинг оғирини енгил қилувчи машина-механизмларнинг янги моделлари устида бош қотираётган конструкторлар чизмалари ҳам, ғўза ўсишини тезлаштирувчи стимуляторлар яратаётган кимёгарларнинг ихтиролари ҳам, экинзорларнинг сув билан тўғри таъминланиши учун ҳамиша ўзини масъул билган ирригатор ва мелиораторларнинг меҳнати ҳам шундай ҳамкорлик намунаси эмасми, ахир!

Катта-катта ишларни ҳашар йўли билан бажариш халқимизнинг кўп асрлардан бери ардоқланиб, авайлаб-асраб ва кўпайтирилиб келаётган ажойиб анъаналаридан биридир. Терими тезроқ тугаллашда, ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай жадалроқ йиғиштириб олишда пахтакорларга ҳашарга чиқиш эса энг улуғ удумларимиздан ҳисобланади.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент давлат университетининг шонли 60 йиллик тарихи саҳифалари комсомол-ёшларнинг пахта теримидаги ажойиб ишларига бой. Шунга мувофиқ студент қурилиш отрядлари ҳаракати аслида бизда йигирма йил эмас, балки анча аввал бошланган дейиш мумкин. Бинобарин, пахтазорлардан, пайкаллардан «оқ олтин»ни сўнгги граммигача йиғиб териб олмагунча деҳқонларимиз ёнида бўлиш студентларнинг ёзги семестрдаги бунёдкорлик меҳнатидан кам эмас.

Шу кунларда ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили улкан хирмонини тиклаш учун республикамизда умумхалқ кураши якунловчи паллага кирди. Куз инжиқ, обҳаво барпасда айниб қолиши мумкин. Ҳар бир кун ғанимат. Шу боисдан белида қувват, билагида кучи бор, этак тутишга қодир ҳар бир киши теримчилар сафида бўлишга ҳаракат қилиши табиий. Университетимиз комсомол комитети студентларнинг хоҳиш-истагини инобатга олиб, 4 октябрдан бери бир кунлик ҳашарлар уюштирмоқда.

Жонажон партиямиз XXVI съездини ёруғ юз билан кутиб олиш учун деҳқонларга бундан буён ҳам мададкормиз, ёрдам беришга тайёрмиз. Ватанга 5 миллион 850 минг тонналик Ўзбекистон пахтасини армуғон этишда яппи ҳашарга чиқиб пахтаколаримизга ёрдам бериш эса партия-ҳукуматимиз Мурожаатига студент ёшларимизнинг амалий жавоби бўлади.

Т. САРИМСОҚОВ,
В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг ректори.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг ўқув-тажриба хўжалиги мирзачўлликлари пландаги 3200 тонна ўрнига 3420 тонна «оқ олтин» топшириб, халқ хўжалик планларини шараф билан бажардилар. Галабага моҳир механизаторлардан Мурод Султонов, Мукаррам Қозоқбоева, Ҳасан Нуриев каби механик-ҳайдовчилар муносиб ҳисса қўшишди. Уларнинг ҳар бири шу кунгача ўз агрегатлари билан 150 тоннадан ошириб пахта териб беришди.

Ўқув-тажриба участкаси коллективи КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига яппи пахта хирмонини 4,2 минг тоннага етказишга қарор қилди. Ҳосилнинг камида 82 процента машиналар ёрдамида териб олинади. Ҳосилдорлик гектар бошига 35 центнерга етказилади.

Институт ўқув-тажриба хўжалигида таълим олган 500 дан знёд механик-ҳайдовчи ҳозирда Жиззах ва Сирдарё областларида меҳнат қилмоқда.

Мухбиримиз бонг уради

ФУРСАТ ҒАНИМАТ

НАМАНГАН ОБЛАСТИ ПАХТА ТЕРИШ ВА ТАЙЁРЛАШДА НЕГА ОРҚАДА ҚОЛМОҚДА?

Областда пахта териш ва тайёрлаш суръатини 4—5 процентга кўтариш учун барча имкониятлар бор. Чунки ҳали салкам 60 минг гектар майдондаги пахта терилмай турибди. Афсуски, баъзи район партия, совет ташкилотлари, хўжалик раҳбарларининг масъулиятсизликлари туфайли область партия комитети томонидан белгиланган кунлик ҳамда беш кунлик терим графиклари бажарилмай қолмоқда. Ана шунинг оқибатида Наманган республика областлари ўртасида энг кейинги ўринга тушиб қолди.

Аввало шуни айтиш керакки, областда пахта йигим-теримига етарли даражада тайёргарлик кўрилгани йўқ. Бу кўпгина майдонларда энг муҳим агротехник тадбир бўлган дефолиациянинг сифатсиз ўтказилганлиги билан изоҳланади. Область қишлоқ хўжалик бошқармаси ва область ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси мутахассислари дефолиацияни энг оптимал муддатларда ўтказиш ҳақида ваъда бердилар-у, уни амалга оширишга жиддий киришмадилар. Натижада ғўза дефолиацияси салкам бир ойга чўзилиб кетди. Эрта пишган майдонларда ҳам, кечроқ очилган майдонларда ҳам пахта териш агрегатларига узоқ вақт маҳтал бўлиб қолинди.

Баъзи хўжаликларда «Ҳосилни авайлаб териш» баҳонаси билан йигим-теримни орқага суриш фактлари ҳам юз бермоқдаки, буни асло кечириб бўлмайди. Чунончи Тўрақўрғон, Уйчи, Наманган, Чуст, Норин районларининг қатор хўжаликларида машина теримига ажратилган майдонларда учинчи ярусдаги кўсакларни пишириш баҳонаси билан сув қўйиб юборилибди. Тўрақўрғон районидаги Димитров номли, Калинин номли, «Москва», Уйчи районидаги Охунбобоев номли, «Комсомол», «Ленинград», Наманган районидаги Оржоникидзе номли, Дзержинский номли, Чуст районидаги «Партия XXII съезди», «Чуст», Норин районидаги Энгельс номли колхозларда шундай ҳодиса юз берди. Бунинг оқибатида терим агрегатларининг ишлатилишига имкон бўлмай қолди.

Областда пахта йиғим-терими бўйича яппи сафарбарлик эълон қилинган. Афсуски, бунинг натижаси ҳам кўзга яққол ташланмаяпти. Аввали якшанба куни пахтазорларда 2038 ўрнига 1518 та терим машинаси ишлатилди. Уларнинг ҳар бири билан ўртача 4,1 тоннадан пахта терилди, холос. Ваҳолонки, ҳозирда ҳар бир агрегат билан 6—7 тоннадан пахта териб олиш учун тўла имкониятлар бор.

Қўл теримида ҳам қониқарли натижаларга эришилялти деб бўлмайди. Аввали якшанба куни область бўйича 192,4 минг ўрнига 164,3 минг киши пахта теримида қатнашди. Уларнинг ҳар бири ўртача 41 килограммдан пахта терди, холос. Бу белгиланганидан анча кам.

Яна фактларга мурожаат этайлик. Аввалги якшанба куни Янгиқўрғон райони хўжаликларида 150 та терим агрегати ишлатилиб, ҳар бири билан ўртача 3,9 тоннадан пахта терилди. Теримда эса 22,5 минг киши ўрнига 20,9 минг киши қатнашди. Ҳар бир теримчи 32 килограммдан пахта терди. Бу асло қаноатланарли эмас.

Яқинда биз Янгиқўрғон районидаги «Победа» совхозида бўлдик. Кадрлар бўлимининг бошлиғи Насимхон Аббосов ўз кабинетида чўт қоқиб ўтирган экан. У телефон трубкасини олиб, диспетчерга қўнғироқ қилди:

— Алло, Абдуллажон Мирзақуловмисиз?

— Эштатман.

— Терим машиналарининг оёғига кишан солиб қўйилгани ростми?!

— Рост бўлганда қандоқ.

— Ўша агрегатларнинг механик ҳайдовчилари кимлар эканлигини айтиб беролмайсизми?

— Мана эштинг, Носиржон Ҳакимов, Низомжон Шарипов, Исомиддин Эшонов.

— Бўлди, бас! Улар нима иш қилишяпти?

— Ялло қилиб юришибди. Ўтган йили бу механизаторлар 150—200 тоннадан пахта териб беришганди.

Дарҳақиқат, «Победа» совхозида пахта териш ва уни топшириш ўз ҳолига ташлаб қўйилган экан. Механизаторлар бекор юрганн ҳолда машина теримига ажратилган майдонлардаги пахта қўлда терилмоқда. Қўл терининг ҳам унуми кўнгилдагидек эмас. Биз ўша ерда бўлган кунимиз 609 киши теримда қатнашиб, уларнинг ҳар бири 24 килограммдан пахта терди. Ж. Болтабоев директорлик қилаётган бу совхоз ҳар куни йиллик планнинг 1—1,5 процени миқдорида пахта тайёрлаб, кейинги ўринларда бораётганлиги асло кечирилмас ҳолдир.

Шу райондаги М. Аҳмаджонов раислик қилаётган Ульянов номли колхозда ҳам аҳвол яхши эмас. Бу ердаги терим-транспорт отрядларининг иши талабга жавоб бермайди. Хўжаликдаги терим машиналарининг бир қисми бекор турибдики, буни сира ҳам кечириб бўлмайди. Далаларда ишлатилаётган терим агрегатларининг иш унуми ҳам анча паст. Бу колхозда механизаторлар ва теримчилар ўртасида меҳнат интизоми бўшаштириб юборилган. Ишга кеч чиқиб, эрта қайтиш одат тусига кириб қолган.

Республикада энг охирги ўринда бораётган Задарё, Учқўрғон районлари хўжаликларида ҳам пахта териш ва тайёрлаш суръатини ошириш пайти келди. Вазифа бутун техника, ишчи кучларини йиғим-теримга сафарбар этиб, кунлик суръат ва сифатга зўр беришдан иборат.

Область партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари билан ҳамкорликда ишдаги бу камчиликларга тезликда барҳам беришларига ишонамиз. Яна шунга ҳам ишонамизки, наманганликлар КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига бошланган ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдириб, она-Ватанга 500 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришдек юксак ватанпарварлик вазифаларини шараф билан адо этадилар. Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг Мурожаати ана шуни тақозо этади.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

ТИНГЛОВЧИЛАР КУРСЛАРНИ БИТИРИБ ЧИҚИШДИ

ГАВАНА. Куба Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Нико Лопеса номли олий партия мактабида тингловчиларнинг навбатдаги битириб чиқиш маросими ўтказилди. Ижтимоий фанлар курсининг қариб 140 тингловчиси республика партия кадрлари ана шу масканнни битириб чиққанликлари тўғрисида диплом олдилар. Бу тингловчилар орасида кўпгина партия ва давлат раҳбарлари бор.

Мамлакат коммунистларини сиёсий ва мафкуравий жиҳатдан тайёрлаш масалалари Куба Компартиясининг доимо диққат марказида турибди. Вилоятлар ва муниципияларнинг партия комитетлари 1 съезднинг барча коммунистлар марксча-ленинча назарияни чуқур ўрганиши зарурлиги тўғрисидаги қарорларини бажарар экан, жойларда сиёсий ўқиш курсларини ташкил этдилар.

ЖИДДИЙ ПРОБЛЕМАЛАР ВАЗИЯТИДА

БРАЙТОН. Бу ерда Буюк Британия ҳукмрон консерватив партиясининг ҳар йили ўтказиладиган конференцияси иш бошлади. Конференция мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий проблемалари жиддий кескиналашган, ҳукумат сиёсати натижасида меҳнаткашларнинг моддий аҳволи ғоят ёмонлашган бир вазиятда ўтмоқда..

Мамлакатда консерватив партия бир ярим йил давомида ҳукмронлик қилиши якунлари жуда ҳам ачинарли: ишсизлар армияси 2 миллион кишидан ошиб кетди, пулнинг қадрсизланиш суръатлари ўсиб бормоқда, саноат ишлаб чиқариши қисқармоқда. М. Тэтчер ҳукуматининг ҳарбий ҳаражатларни ҳаддан ташқари кўпайтирганлиги меҳнаткашлар гарданига оғир юк бўлиб тушмоқда.

Съездда муҳокама қилинадиган резолюциялардан аниқ-равшан кўриниб турганидек, консерваторлар ана шундай ҳалокатли сиёсатни бундан буён ўтказиш ниятидадир. Съезд ҳужжатларида консерваторлар партиясининг ишчиларга зид иқтисодий йўли ўз ифодасини топган, ҳарбий ҳаражатларни кўпайтиришга қаратилган ошкора даъватлар баён этилган.

МУҲИМ МАСАЛА МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

ОТТАВА. Бу ерда Канада федерал парламентининг сессияси муддатидан илгари очилди. Сессияни мамлакат ҳукумати чақирган. Ҳукумат шу сессияда Лондон юз йилдан кўпроқ вақт илгари мажбуран қабул қилдирган Британия Шимолий Америкаси тўғрисидаги ҳужжат ўрнига Канаданинг янги конституциясини ишлаб чиқиш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилинишига эришиш ниятидадир. Ҳукумат жамоалар палатаси муҳокамасига резолюция киритди. Ана шу резолюция қабул қилинган тақдирда Канада ўз конституциясига эга бўлади.

Федерал ҳукуматнинг конституция ислоҳотни ўтказиш режалари ғарбий вилоятлар раҳбарларининг кескин зарбасига дуч келмоқда. Бу раҳбарлар маҳаллий манфаатларни кўзлаб, Канада конфедерациясининг мустаҳкамланишига ҳар томонлама қаршилик кўрсатмоқдалар. Британия Колумбияси вилоятининг бош министри У Беннет ва Альбертта вилоятининг бош министри П. Лоҳид кенгаш ўтказдилар. Бу кенгашда мамлакат ҳукуматининг конституция проблемасини ҳал қилиш йўлидаги уринишларини барбод этиш учун ҳар қандай чораларни кўриш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ИСТЕЪФО ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

БРЮССЕЛЬ. Бельгия қироли Бодуэн В. Мартенс коалицион ҳукуматининг истеъфосини қабул қилди. Бош министр истеъфо бериш ҳақидаги талабномани 4 октябрдаёқ берган эди. Қирол унга янги ҳукуматни тузишни топширган эди.

В. Мартенснинг коалициядаги шериклари ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш йўлидаги уринишлари муваффақиятсиз тугаганидан кейин ана шу қарор қабул қилинган эди. Бу келишмовчиликлар ижтимоий-иқтисодий программанинг асосан амалга оширилиши га, шу тарақа ҳукумат қиризисига йўл қўймасликка таалуқлидир.

В. Мартенс кабинети шу йилнинг 18 май куни олти партия: Валлон ва Фламанд социалистлари, социал-христиан ва либераллар партияларининг вакилларидан тузилган эди. Коалициядаги шериклар ўртасида бир неча марта келишмовчиликлар, шу жумладан мамлакатнинг тил жамоалари ўртасидаги муносабатлар проблемалари ҳусусида келишмовчиликлар содир бўлган эди.

Кейинги вақтларда коалицияни тузиш тўғрисида битим имзоланган вақтда тасдиқланган ижтимоий-иқтисодий программани амалга ошириш сохасидаги зиддиятлар ҳам кучайиб кетди.

Ана шу проблемаларнинг ҳаммаси мамлакатнинг янги ҳукуматини тузиш сохасидаги В. Мартенснинг миссиясини ғоят қийинлаштириб қўймоқда.

ШОНЛИ САНА

ТРИПОЛИ. Ливия халқи итальян мустамлакачиларининг мамлакатдан эвакуация қилинганлигининг ўн йиллигини тантанали равишда нишонлади.

Ливияни ваҳшиёна империалистик мустамлака қилиш бир неча ўн йил мобайнида давом этди. Жуда кўп ажнабий компаниялар қиролнинг порахўр юқори табақалари ёрдамида мамлакатнинг миллий бойликларини босқинчиларча талаб келдилар. Революцияга қадар Ливиянинг бутун савдосотиғи, қурилиши, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳалари ажнабий фирмалар ва итальян мустамлакачилари томонидан тўла-тўкис назорат қилиб турилар эди.

Республика революцион қўмондонлиги кенгаши 1970 йил 7 октябрь куни махсус декрет чиқариб, бутун чет мамлакатлар мулкини национализация қилди ва Ғарб мамлакатларининг корчалонларига Ливиядан чиқиб кетишни таклиф этди. Уларга мансуб бўлган мулк Ливия халқига топширилди.

Ўтган 10 йил мобайнида мустақил, эксплуатациядан ҳоли бўлган жамият барпо этишда сезиларли муваффақиятларга эришилди. Аҳолининг турмуш даражаси анча ўсди.

КОНФЕРЕНЦИЯ ТУГАДИ

МОНТЕГО-БЕЙ. (Ямайка). Бу ерда Ямайка халқ миллий ҳукмрон партиясининг ҳар йилги — 42-конференцияси ўз ишини тамомлади.

Муддатидан илгари ўтказилган умумий сайлов арафасида бўлган бу конференция мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий аҳволни чуқур таҳлил қилди, унинг ички ва ташқи сиёсати, иқтисодий ривожланишига доир актуал масалаларни муҳокама этди.

Қабул қилинган резолюцияларда таъкидлаб ўтилганидек, партия Ямайканинг келажаги социалистик тараққиёт йўлидадир, деб ҳисоблайди. Бу йўл кўп асрлар давом этган мустамлакачилик ва капиталистик қарамлик оқибатларини тугатиш имкониятини беради.

Халқ миллий партияси, дейилади конференциянинг якунловчи ҳужжатларида, Ямайканинг миллий манфаатлари ва суверенитетини ҳимоя қилиш, империализмга қарши, бутун дунёда тинчлик ва социал тараққиёт учун олиб борилаётган курашни активлаштириш йўлини изчиллик билан ўтказиш ниятидадир.

Халқ миллий партиясининг конференцияси тугаганидан кейин халқ миллий партиясига ҳукумати Ямайкада ўтказаётган прогрессив ўзгартишлар йўлини қўллаб-қувватлаш юзасидан оммавий митинг бўлиб ўтди.

(ТАСС, 8 октябрь).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

АНҚАРА. Туркияда хавфсизлик кучлари қўшин бўлинмалари билан биргаликда террорчиларни қидириб топиш операцияларини бутун мамлакат бўйлаб давом эттирмоқдалар. Маҳаллий матбуотнинг таъкидлаб ёзишича, сўнгги ҳафтанинг ўзидагина 470 киши қамоққа олинган. Операциялар натижасида кўп миқдорда ўқ отиш қуроллари, қўлда ясалган бомбалар ва ўқ-дорилар ўлжа қилиб олинган. Айни вақтда хавфсизлик кучлари Туркия лирасида жами қариб 100 миллион сўмлик 50 килограммдан кўпроқ ҳар хил қора дори ва контрабанда моллариии топдилар.

АДДИС-АБЕБА. Халқ милициясн отрядлари ва хавфсизлик кучлари Эфиопиянинг Волло вилоятида катта шайкани тугатиш операциясини ўтказдилар. Бу шайка узоқ вақт давомида қишлоқ аҳолисини террор қилиб келган, шунингдек деҳқонлар уюшмаларига ва қишлоқ хўжалик кооперативларига қарши саботаж ҳамда қўпорувчилик ҳаракатларини амалга ошириб келган. Қуролли тўқнашув вақтида шайканнг бошлиғи ва унинг ўн нафар аъзоси ўлдирилди, кўп миқдорда қуроллар, ўқ-дори ўлжа қилиб олинди.

ҚОҲИРА. Миср маъмурлари Мисрнинг таниқли сиёсий ва жамоат арбоби, Миср—Совет дўстлиги жамияти правленеесининг раиси Муҳаммад Абдел Салом аз-Зайётни жамоатчилик тазйиқи остида қамоқдан бўшатишга мажбур бўлдилар. У ҳеч қандай сабабсиз 4 октябрь куни қамоққа олинган эди.

(ТАСС, 8 октябрь).

САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ

БОННН. Канцлер Гельмут Шмидт бошчилигидаги ҳукумат коалициясига кирган социал-демократик партия ва эркин-демократик партия навбатдаги парламент сайловларида катта галабани қўлга киритдилар. Дастлабки расмий маълумотларга кўра, Германия социал-демократик партияси учун сайловчиларнинг 42,9 процента, эркин-демократик партия учун 10,6 процента овоз берди. Консератив оппозициион блокни ташкил этган христиан-демократик иттифоқ билан христиан-социал иттифоқ овозларининг 44,5 процентини олди. Бу ўтган 1976 йилги парламент сайловига нисбатан 4,1 процент овоз кам демакдир. Шундай қилиб яқин ўрт йил давомида Боннда ҳокимият тепасида илгариги социал-демократик партия билан эркин-демократик партия коалицияси қолади. Ҳар иккала партия раҳбарлари ҳам шу ҳақда гапириб ўтдилар.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АХБОРОТ

ТОВАР ОБОРОТИ КЎПАЙДИ

Самарқанд область матлубот жамияти автомагазинларининг товар обороти бир-бир ярим баравар кўпайди. Бунга эса омборларни марказлаштириш туфайли эришилди. Энди автодўконларнинг сотувчилари моллари район матлубот жамиятининг майда омборларидан эмас, балки Самарқанд улгуржи савдо базасидан оладилар. Бу ерда махсус омбор ташкил этилган бўлиб, энг зарур бўлган 60 хилдан кўп моллар танлаб қўйилган. Пештахталарда қадоқланган моллар ҳам пайдо бўлди.

СОВХОЗНИНГ «АСАЛ» ЦЕХИ

«Ғанай» совхозида Асанали Душанаев 80 та асалари уясининг ҳар биридан 25 килограммдан асал олди. Бу эса Наманган областида энг юқори кўрсаткичдир. Умуман совхознинг асал берадиган цехи ҳам бу йил тўла қувват билан ишламоқда. Ҳозиргача савдо тармоқларига 13 тонна маҳсулот жўнатилди. Бу эса планда белгиланганидан анча кўпдир.

ЭЛЕКТР ЛИНИЯЛАР

Жиззах бош насос станциясидан то Мирзачўлнинг қўриқ ерларидаги 2, 3, 8-совхозларгача 19 километр узунликдаги юқори вольтли электр линия ток билан таъминланди. Бу линия шу хўжаликларни электр энергия билан таъминлашни анча яхшилаш имконини берди. Қашқадарё областининг Нишон ва Баҳористон районларида ҳам шунча қувватга эга бўлган яна иккита электр линия ишга тушди.

ҲОВЛИ ТУЙИЛАРИ

Музбел массивида Ғаллаорол районида биринчи бўлиб экспериментал поселка қурила бошланди. Бу ерда колгусида ғаллакорлар шаҳарчаси бунёдга келади.

Асрий қақроқ массивни Қоровултепа сув омбори орқали суғориш мўлжалланмоқда. Бу ерда ҳаммаси бўлиб 32 миллион сўмлик капитал қурилиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Ҳозир 46 хўжалик янги уйларга кўчиб кирди. «Ғаллааралводстрой» тресті қурувчилари бунёд этаётган поселкада шунингдек, 90 ўринли болалар боғчаси, 540 ўринли қўш қаватли мактаб, аптека, магазин, фельдшерлик пункти, 50 тоқали автомат телефон станцияси қурилди. Сув омбори қуриб битказилгунча 900 оила янги уйларга эга бўлади.

«ГУЛШАН» КОМБИНАТИ

Оқдарё районидаги Ленин номли колхозда икки қаватли «Гулшан» болалар комбинати қурилиб фойдаланишга топширилди. Комбинатда механизаторнинг 300 нафар фарзанди тарбияланади. Комбинатни колхозлараро механизациялашган кўчма колоннасининг қурувчилари 400 кишига мўлжалланган янги мактаб биносини қуриб битказдилар. Мактаб биносида спорт зали, ошхона, ўқув ишлаб чиқариш устахоналари бор. Кўчма колонна қурувчилари «Правда» колхозида 784 ўринли мактаб, Куйбишев номли колхозда эса 140 ўринли болалар боғчаси ҳам қуриб бердилар.

А. ВАҲОБОВ.

Тошкент грампластинкалар заводи ишчилари ҳар йили 23 миллион дона грампластинка тайёрлашга эришмоқдалар. Корхона коллективи КПССнинг бўлажак XXVI съезди шарафига зарбдор меҳнат вахтасида туриб ишлаб, планга қўшимча 300 мингта маҳсулот ишлаб чиқаришга сўз берган. Суратда: заводнинг илғор ишчиларидан Рустам Ғозиев ва Валентина Башкировалар.

И. Глауберзон фотоси.

ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

МУҚАДДАС ХОТИРА

Совет жангчиларининг Улуғ Ватан урушидаги оммавий қаҳрамонлигини халқимиз ҳеч қачон унутмайди.

Ельня район Советининг таклифига мувофиқ август ойида мамлакатимизнинг турли томонларидан бу ерга собиқ жангчилар келишди. Ельнянинг озод этилганлиги 37 йиллиги муносабати билан бу ерда митинг бўлиб ўтди. Акаш Абдулҳаким Абдураҳмонов ҳудди шу ердаги жангларда ҳалок бўлганлиги сабабли менга ҳам таклиф қилган эканлар.

Район меҳнаткашлари ҳалок бўлган совет жангчилари хотирасини абадийлаштирмоқдалар. Бу ерда бўлиб ўтган жангларда ҳалок бўлган жангчиларнинг исмлари альбомга ёзиб қўйилган. Унда ўн икки мингга яқин кишининг исм-фамилияси бор. Уларнинг орасида 1910 йилда туғилган Бакир Абдураҳмонов, 1920 йилда туғилган Қосим Абдиназаров, 1913 йилда туғилган Шермат Абдуллаев, Ҳабибулло Абдуллаев, Турсун Азимов, Олимжон Отахонов, Абдумалик Аҳмедов, Сайдали Жўраев, Ғофир Жўраев, Карим Жўраев, Султон Эминов, Абдураҳмон Зиёев, Назар Зокиров, Қодиржон Мадраҳимов, Абдуваҳоб Полвонов каби юзлаб ўзбек фарзандларининг номини ҳам ўқиш мумкин. Улар Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлганлар.

Менинг ўзим ҳам 16-армияда 740-ўқчи полкда жанг қилганман. Курск ёйидаги шиддатли жангларда қатнашганман. Смоленск областида Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган жангчилар хотираси муқаддас сақланаётганлиги ғоят ҳаяжонга солди. Ҳалок бўлган акамнинг қабрини 38 йилдан сўнг топишга муваффақ бўлдим.

Биз ветеранлар жаҳонда тинчлик бўлишини истаймиз, уруш даҳшатлари такрорланмасин.

А. АБДУРАҲМОНОВ,
Қўрғонтепа районидаги «Комсомол» колхози.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

СИРТҚИ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИНИНГ

1-ВА ЮҚОРИ КУРСЛАРИГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Агрохимия ва тупроқшунослик, агрономия, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, пиллачилик, зооинженерлик, ўрмон хўжалиги, иқтисод ва қишлоқ хўжалигини ташкил қилиш, бухгалтерия ҳисоби.

Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг Фарғона филиалига қуйидаги мутахассисликлар бўйича:

агрономия, зооинженерлик, экономика ва қишлоқ хўжалигини ташкил қилиш, бухгалтерия ҳисоби.

Институт ва филиал агрохимик-тупроқшунослар, юқори малакали агрономлар, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик бўйича агрономлар, зооинженерлар, ўрмон хўжалиги инженерлари, қишлоқ хўжалиги экономикаси ва уни ташкил қилиш ҳамда қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби бўйича экономистлар тайёрлайди.

Сиртқи таълим факультетига тўлиқ ўрта маълумотли, қишлоқ хўжалиги тармоқларида, ташкилот ва корхоналарда ишлаб турган кишилар ёшидан қатъи назар қабул қилинадилар.

Кириш имтиҳонларидан ижобий баҳо олганлар мутахассисликлари иш характерига мос тушса, қабул пайтида имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Кириш учун институт ректори номига ариза ёзилади ва унга қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: тўлиқ ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан характеристика — рекомендация, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишлаётганлар учун), медицина справкаси (286-форма), бош кийимсиз тушилган 3х4 см. катталикдаги тўртта фотосурат.

ИНСТИТУТГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ТОПШИРАДИЛАР:

Агрохимия, ва тупроқшунослик, агрономия, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, пиллачилик, зооинженерлик мутахассисликига кирувчилар: **химиядан** (оғзаки), **физикадан** (оғзаки), **биологиядан** (оғзаки), **ўзбек тили ва адабиётидан** (ёзма); **экономика ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби** мутахассислигига кирувчилар: **математикадан** (оғзаки), **географиядан** (оғзаки), **биологиядан** (оғзаки), **ўзбек тили ва адабиётидан** (ёзма); **ўрмон хўжалиги** мутахассислигига кирувчилар: **математикадан** (оғзаки), **химиядан** (оғзаки), **физикадан** (оғзаки), **ўзбек тили ва адабиётидан** (ёзма).

Ўрта мактабни олтин медаль билан ва ўрта махсус ўқув юртларини имтиёзли диплом билан битирганлар битта фандан имтиҳон топширадилар, агрономия мутахассислигига ва зооинженерликка кирувчилар — химиядан, қишлоқ хўжалиги экономикаси, уни ташкил этиш ва бухгалтерия ҳисоби мутахассислигига кирувчилар — математикадан имтиҳон топширадилар. Мазкур имтиҳонлардан «5» баҳо олганлар, қолган кириш имтиҳонларини топширишдан озод этилади ва институтга конкурсдан ташқари қабул қилинадилар.

Ўрмон хўжалиги мутахассислигига қабул экспериментал асосида ўтказилади. Бунда ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжатида баҳоларнинг умумий бали 4,5 дан кам бўлмаган абитуриентлар мутахассислиги бўйича икки фандан имтиҳон топшириб, 9 ва ундан юқори балл олсалар, қолган кириш имтиҳонларидан халос этилади.

АРИЗАЛАР 15 ЯНВАРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари 16 январдан 14 февралгача давом этади.

Институтда ўқиш муддати 6 йил. Бухгалтерия факультетида эса 5 йил.

Сиртқи бўлимга кирувчиларга иш жойидан 15 кун ҳисобида (институтга келиб-кетиш вақти ҳисобга киримайди), **иш ҳақи сақланмаган ҳолда отпуска берилади.**

Аризалар қуйидаги адресга топширилади: 700183, Тошкент-183, Тошкент қишлоқ хўжалик институти, 712000, Фарғона шаҳри, Озарбайжон кўчаси, 2 «а»-уй. Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг Фарғона филиали. Сиртқи таълим факультетининг қабул комиссияси.

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

ЧИНОР УМРИ

Бир донишманддан «Узоқ умр кўришнинг сири нимада?» деб сўрашганида, у «Фақат ҳалол меҳнат ва покизаликда», деб жавоб берган экан. Ҳақиқатан ҳам киши ҳалол меҳнат билан турмуш кечирса, дили ҳам, иши ҳам пок бўлса, доимо эл-юрт ғами билан бўлса, умрнинг узоғи ҳам, бахтли турмуш ҳам ўшаники бўлади. Республикамиз шаҳар ва қишлоқларида умрини ана шундай ҳалол яшаб, эл хизматида бўлиб ўтказаётган, эндиликда новвара-чеваралари даврасида қарилик гаштини сураётган отахон ва онахонлар жуда кўп. Қашқадарёлик Абдумўмин бобо Жалиловни ана шулардан биридир.

Деҳқонобод районида кўркам, баҳаво, файзли, одамлари ҳам дилкаш ва меҳнатсевар Оқиртма деган қишлоқ бор. Яқинда ана шу қишлоқда бир воқеа рўй берди — Абдумўмин бобо Жалилов юз ёш билан юз кўришганлигига тўй бўлиб ўтди. Эрта тонгданоқ, бобонинг ҳовлиси одамлар билан гавжум бўлиб кетди. Тўрда юз ёшга кирган Абдумўмин бобо билан ана шу ёшни қоралаб қолган унинг умр йўлдоши Норхол момо ўтиришибди. Ўғил-қизлари, набира-чеваралари бел боғлаб хизмат қилишяпти. «Ленинизм» совхозининг раҳбарларидан олдий ишчиларигача ҳамма бирин-кетин келиб бобони муборак ёши билан табриклаб, сиҳат-саломатлик тилаб кетяпти. Шу куни Абдумўмин бобонинг юз ёшли тўйи юбилей кечасига уланиб кетди. Кечада Деҳқонобод районининг узоқ-яқин барча қишлоқларидан вакиллар қатнашишди. Район партия комитети ва халқ депутатлари район Совети ижроия комитети коллективлаштиришнинг актив иштирокчиси сифатида ва юз ёшга тўлиши муносабати билан колхоз ветерани Абдумўмин бобо Жалиловни «Москвич» енгил автомашинаси билан мукофотлади.

Ҳа, ҳалол меҳнат қилиб юртга хизматини сингдирган сира кам бўлмайди. Турмуши фаровон, дастурхони тўкинчилик. Зеро ана шундай кунда бир асрлик умрини нишонлаётган отахондай эл-юртда ҳурмат-эътибор топишнинг ўзи катта бахт эмасми!..

Абдумўмин бобо билан Норхол момо қишлоқдаги энг табаррук кишилардан. Уларнинг фарзандлари ҳам оталари сингари ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлишган. Бобонинг тўнғич ўғли қирчиллама ёшида Улуғ Ватан урушида душманлар билан курашиб қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Ўғли Бободулла эса ҳозир 40 ёшда, қурилишда прораб бўлиб ишлаяпти, кўпгина ўғил-қизларнинг отаси Бобонинг катта қизи Майрамхон «Қаҳрамон онаҳ»лардан. Кенжа ўғил Ражаббой эса совхозда донги чиққан тажрибали чорвадор. Абдумўмин бобо билан Норхол момонинг йигирма уч набираси, йигирма бир чевараси бор. Ҳаммалари уйлижойли, бир жойга тўпланишса, анча-мунча хонадон уларга торлик қилиб қолади. Шуниси эътиборга сазоворки, бобонинг барча фарзандлари меҳнатдан бахт-иқбол топишяпти.

— Абдумўмин акани мен жуда яхши биламан, — тўй куни бобонинг ёнида ўтирган оқиртмалик 73 ёшли Ҳайим бобо Пиримқулов тўпланганларга қарата шундай деди. — Бу киши менинг устозим бўлганлар. Абдумўмин ака қишлоқда тузилган колхознинг биринчи бригада бошлиқларидан бўлганлар.

Дарҳақиқат шундай. Абдумўмин бобо Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонганида 37 ёшда эди. Бойларнинг қўй-эчкиларини боқиб, ночор кун ўтказарди. Инқилоб унга ер, мол-хол берди, эгилган қаддини тиклаб қўйди. Қишлоқда Ленин номли колхоз тузилиб, унга Қулназар Азимов раис қилиб сайланган куни Абдумўмин ака ҳам бригада бошлиғи этиб тайинланди. Ер ҳайдади, дон экди, хирмон шопирди, гектаридан 12—14 центнердан буғдой олди. У пенсияга чиқса ҳам салкам саксон ёшигача даладан, яйловдан бери келмай ишлади: чўпонлик қилди, туякаш бўлди, кези келганида колхоз устахонасида босқон босиб, темир чўкичлади. Аммо қаерда ва қандай касбда ишламасин, ҳамма вақт ҳалол меҳнат қилди. Шунинг учун ҳам қишлоқдаги йигитларнинг, тўй-маъракаларнинг тўри доим Абдумўмин бобоники бўлиб қолди.

Ҳозир унинг ўғил-қизлари, набира ва чеваралари ҳам бобонинг удумини тутишган: бири молбоқар, бири электрпайвандчи, бири ғаллакор. Кези келганида шуни ҳам айтиш керакки, Абдумўмин бобо гарчи юз ёш билан юз кўришган бўлса ҳам, ҳамон бардам. Уни гоҳо ҳасса таяниб, фермага — набиралари ҳузурига бораётганда, гоҳо дала йўлида учратиб қолиш мумкин. Ҳовлидаги гулзор ва мева дарахтларини ҳам бобонинг ўзи парвариш қилади.

— Шундай саодатли ҳаётни яратиб берган партия ва ҳукуматимизга раҳмат, — дейди Абдумўмин бобо ўз бахтига шукрона ўқиб. — Илгарги даврларда бундай фаровон турмуш ҳатто тушимизга ҳам кирмаган эди. Шу бахтли турмуш партиямиз ғамхўрлиги, замонамиз тинчлиги туфайлидир.

Биз ҳам бобони юз ёши билан муборакбод қилиб, унга чинордай узоқ умр кўринг деймиз.

Н. САЛАЕВ.

Григорий Антонович ЛАВРОНОВ

Таниқли агроном, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби Григорий Антонович Лавронов узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг вафот этди.

Г. А. Лавронов 1926 йили Ленинград қишлоқ хўжалиги институтини тугатганидан сўнг Ўзбекистонга, Ер ишлари халқ комиссариати системасида илмий-тадқиқотларни ташкил этиш учун таклиф қилинди.

1926—1935 йиллар мобайнида у қатор экспедицияларда бўлиб, кейинчалик қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш учун республиканинг лалмикор ерларини текширди, қишлоқ хўжалигини социалистик тарзда қайта қуришда, йирик ғаллакор совхозлар тузиш ва уларни мустаҳкамлашда фаол қатнашди.

1936 йилдан то умрининг охиригача Г. А. Лавронов лалмикор деҳқончилик борасидаги илмий-тадқиқотларга бошчилик қилди. Бутун умрини республикамизда ғалла базасини яратиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга бағишлади.

Г. А. Лавронов илғари сурган илмий ғоялар асосида экинзорлар атрофида ихота ўрмонлари барпо этиш усуллари, ғалла ва оқ шудгор экинлари агротехникаси системаси, ғалла-чопиқталаб экинлар алмашлаб экиш амалиётга жорий этилди.

Олим қаламига мансуб 150 илмий асарда ўз аксини топган бу ва бошқа масалалар лалмикор деҳқончилик назарияси ва амалиётига кўпгина янгиликлар киритди, республика дон хўжалиги юритишнинг илмий асосланган системасини яратишда катта роль ўйнади. «Ўзбекистонда буғдой» ва «Ўзбекистоннинг лалмикор деҳқончилиги» монографиялари Г. А. Лавронов олиб борган тадқиқотларнинг умумлашма якунидир.

Г. А. Лавронов лалмикор деҳқончилик бўйича юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш ҳақида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келди. У яратган илмий мактабдан таълим олган шогирдлари эндиликда республикамиздаги кўпгина илмий-тадқиқот муассасаларида ишламоқдалар.

Г. А. Лавронов Ватан олдидаги хизматлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат Белгиси» орденлари, «Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланди.

Улкан олим, камтарин ва талабчан инсон, мураббий устоз Г. А. Лавронов хотираси қалбларимизда абадий сақланади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СПОРТ

ФУТБОЛ:

САМАРҚАНДЛИК ДИНАМОЧИЛАР ЗОНА ҒОЛИБИ

Тўққиз зонага бўлинган учинчи эшелон коллективлари мамлакат чемпионатини ниҳоясига етказдилар. Ўзбекистон зонасига кирувчи командалар ҳам сўнгги тур ўйинларини ўтказдилар. Бу йилги мавсумда Самарқанднинг «Динамо» командаси футболчилари учрашувларни кўтаринки рухда ўтказиб, муваффақият қозондилар. Динамочилар навбатдаги учрашувда «Шаҳрихончи» коллективини қабул қилиб (1:0), жами очколарини 54 тага етказишди. Маълумки, самарқандлик футболчиларнинг Вьетнамга қилган сафарлари чоғида бир неча ўйинлар нечиктирилган эди. Шунга қарамай, динамочилар мавқеларини мустаҳкамлаб, зона ғолиби бўлишга эришдилар. Энди самарқандликлар биринчи лигага ўтиш учун уч группага бўлинган зона ғолиблари билан учрашадилар. Ўйлаймизки, «Динамо» футболчилари бундай довондан ҳам муваффақиятли ўтадилар. Фарғонанинг «Нефтяник» коллективи 50 очко тўплаб, мавсумни иккинчи ўринни эгаллаш билан ниҳоясига етказди. «Хива» футболчилари 48 очко билан учинчи ўринни эгалладилар.

Биринчи лига командалари ўртасида 38-тур ўйинлари бўлди. Бунда пешқадам коллективлар учрашуви қуйидагича ўтди: «Металлург» — «Таврия» — 0:2, «Заря» — «Днепр» — 1:1, «Металлист» — «Колос» — 2:2, «Помир» — «Гурия» — 2:1. Шундай қилиб «Таврия» футболчилари 50 очко билан мавқеларини мустаҳкамлашди. «Днепр», «Металлист» ва «Помир» командалари 48 тадан очко тўпладилар. Жиззахнинг «Бўстон» футболчилари «Торпедо» коллективини қабул қилиб (2:1), очколарини 38 тага етказишди.

КАРАТЭ:

ЧЕМПИОНАТ ҒОЛИБЛАРИ

Тошкентда спортнинг оммавийлашаётган тури бўйича иккинчи марта Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Тўқсондан ортиқ каратэчи уч кун баҳслашган чемпионатда вазнларига кўра қуйидаги полвонлар ғолиблик супасига кўтарилишди: динамочилардан А. Юн, М. Ли, Э. Ли, О. Лий, Н. Югай, В. Берёзин, «Меҳнат резервлари» аъзоларидан Э. Ким, В. Исмоилов ҳамда пахтакорчи С. Васильевлар.

ПАХТАКОРГА ҲАММА МАДАДКОР

СОТУВЧИСИЗ ДЎКОНЛАР

Жалолқудуқ районидаги Ильич номли совхознинг 52 та бригада дала шийпонининг ҳаммасида сотувчисиз дўконлар ишлай бошлади, Махсус автолавка доимо янги моллар етказиб бермоқда. Автолавка пахтакорларнинг буюртмаларини ҳам бажармоқда. Маиший хизмат кўрсатувчи кўчма бригада мунтазам равишда қатнаб турибди. Тўртинчи бўлимда ошхона очилди. Бу — совхозда ташкил қилинган бешинчи ошхонадир.

Совхоз территориясини ўз ичига оладиган Абдуллабий қишлоқ Совети депутатлари ишининг амалий натижалари ана шундай, — деб ёзади ЎзТАГ мухбири У. Саксонбоев.—Қишлоқ Совети ижроия комитетининг бир ой муқаддам қабул қилган қарори бажарилди. Ўшанда совхоз, матлубот кооперацияси, район маиший хизмат комбинатининг раҳбарлари қишлоқ Совети сессиясига таклиф этилган эдилар. Депутатлардан Авазхон Ашурова, Хошиёхон Бўтаева, Олтиной Қўлдошевалар жойларда ишнинг аҳволини олдиндан ўрганиб чиқиб, пахта йиғим-терими даврида деҳқонларга савдо ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан ўз таклифларини айтиб, бу соҳадаги камчиликларни кўрсатиб ўтган эдилар. Ана шу масала юзасидан Совет қарорининг бажарилиши депутатларнинг доимий назорати остига олинган.

— Ҳозирги вақтда халқ вакилларини тўлқинлантирадиган проблемалар жуда кўп, — дейди қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси Мамасоли Нишонов. — Пахта йиғим-терими кампаниясининг борини уни муваффақиятли ўтказиш учун одам резервларини сафарбар этиш ана шу проблемалар ичида энг муҳимидир. Депутатлар бошқа масалаларни ҳам эсдан чиқариб қўймасдилар. Бош план асосида поселкани қуриш ишлари давом эттирилмоқда, кўчалар ободонлаштирилмоқда, совхоз ишчиларининг турмуши яхшиланиб бормоқда. Лекин ҳозирги вақтда пахтакорлар беш йиллиқнинг якунловчи йилида ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятларини бажариб, Ватанни хушнуд қилишлари учун уларга барча шароитларни яратиб бериш — асосий ишимиздир.

ЧЎЛҚУВАРЛАР ҲУЗУРИДА

Жиззах областига келган республика «Билим» жамиятининг халқаро аҳвол мавзуларида лекция ўқувчи лекторларидан катта группаси Арнасой районидаги қўрик хўжаликлар — Тимошенко номли, Юлиус Фучик номли, Конев номли, Рокоссовский номли, Ворошилов номли ва Гречко номли совхозларнинг дала меҳнаткашлари ҳузурида мароқли суҳбатлар ўтказдилар, чўлқуварларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

А. ИМОМОВ.

ҚУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

Балиқчи районидаги Карл Маркс номли колхоз ёшлари яхши совға олдилар. Район колхозлараро механизациялашган кўчма колоннасининг қурувчилари 400 кишига мўлжалланган янги мактаб биносини қуриб битказдилар. Мактаб биносида спорт зали, ошхона, ўқув ишлаб чиқариш устахоналари бор. Кўчма колонна қурувчилари «Правда» колхозида 784 ўринли мактаб, Куйбишев номли колхозда эса 140 ўринли болалар боғчаси ҳам қуриб бердилар.

А. ВАҲОБОВ.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/Ҳда Келинлар қўзғолони, 10/Ҳда Қизил яйловдаги кўк тулпорлар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/Ҳда Зеби-Зебона, 10/Ҳда Тошболта ошиқ.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва цирки артистларининг гастроллари (19.30).

Меҳнат Қизил Байроқ орденли ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

1980 йил учун ҳарбийдаги состав ва поездларни тортиш ихтисоси бўйича — Урта Осиё темир йўли ва Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводи учун 2 ўрин (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда) ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (2ўрин).

АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аризалар 30 октябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари — ноябрь ойида ўтказилади.

Қабул барча олий ўқув юртлари учун умумий шартларда ўтказилади.

Ариза, зарур ҳужжатлар билан бирга қуйидаги адресга жўнатилсин: 700045, Тошкент шаҳри, Оборонная кўчаси, 1 уй.

ТОШКЕНТ ТОПОГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ

топография, геодезия, картография ихтисослари бўйича 1981 йил учун

СИРТҚИ БЎЛИМГА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Танланган ихтисоси бўйича ишлайдиган, 8—10-синф ҳажмида маълумотлилар қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ: 8-синфни битирганлар учун 4 йил, 10 синфни битирганлар учун — 3 йил.

АРИЗАЛАР — 30 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари 1 ноябрдан 15 декабргача қуйидаги фанлардан ўтказилади: МАТЕМАТИКА (оғзаки), РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ (иншо, диктант).

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри-125, Куйбишев райони, М. Горький проспекти, 82-уй (1, 17-автобуслар, 13, 22-трамвайлар, 16-троллейбуснинг «Универмаг» бекати).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми аппарати, раҳбарлиги, партия ва касаба союз ташкилотлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Советлар бўлими мудирининг ўринбосари

Николай Николаевич РУССКИНнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг қариндош-уруғларига ҳамдардлик изҳор этадилар.

С. В. Стародубцев номидаги физика-техника институти коллективи лаборатория мудири, техника фанлари кандидати Р. Р. Анезовга акаси

Сувонқул РАХМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Адлия министрлиги ва Тошкент шаҳар суди коллективлари шаҳар судининг аъзоси

Обид ОДИЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдирадилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Терговни билимдонлар олиб борадилар. 14-иш, 1-серия. 11.45 — Моҳир қўллар. 12.15 — Симфоник миниатюралар. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Ҳуқуқ ҳақида суҳбатлар. 16.50 — Итальян симфонияси. 17.15 — Шахмат мактаби. 17.45 —Мамлакатимиз далаларида. 18.00— Концерт. 18.45 — Ленин номи билан. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Л. Снегирёва ижро этади. 19.55 — Терговни билимдонлар олиб борадилар. 14-иш, 2-серия. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол. ЦСКА — «Динамо» (Тб). Танаффусда —Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

18.00 — Мультфильм. 18.10 — Ёшлик. 18.40 — 1980 йил планини 7 ноябрга бажарамиз. 19.00 — Футбол. «Пахтакор» — «Локомотив». Танаффусда — Ахборот. 20.50 — Ахборот. 21.10 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.00— Хирмонингизга барака. 22.15— Актёрлар ва роллар.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Янги урф-одатлар турмушга. 20.55 — Реклама. 21.05— Ўқитувчи экрани. 21.35 — Телефильм. 22.05 — Композитор Иоганн Штраус. Бадиий фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Халқ қўйларидан концерт. 9.30 — Ўзбек операларидан ариялар. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Пилни муваффақиятли якунлаймиз. 13.30 — Г. Чохели концерти. 14.00 — Хоразм шоҳиси. 18.30 — Халқ контроли — амалда. 18.40 — Ёшлик. 19.45 — Партия раҳнамо. Бир қисмли кантата. 20.00 — Футбол «Пахтакор» — «Локомотив». 20.45 — Сўнгги ахборот. 21.05 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.15— Пахтакориома. Радиокомпозиция. 21.35 — Механизаторлар учун концерт. 22.30 — Музикали салом. 23.20 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-63-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-29; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона —4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-65; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси.

Р. 02272. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, Индекс 64583. Б. — 232. 10